БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН | № 186 (16.572). | 10 август 1976 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

КЎСАКЛАР ШОДА-ШОДА

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тургунпўлат Эгамбердиев етакчилик қилаётган бригада аъзолари пахтадан юқори ҳосил етиштиришда Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхозда салмоқли ўринни эгаллайди. 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган бригада азаматлари бугунги кунда ғўза қатор ораларига еттинчи марта ишлов бермоқдалар. 3 марта озиқлантириш ва суғоришдан чиқарилган ҳар туп ғўзада 8-9 тадан бўлиқ кўсак етиштирилди.

Ғўза парвариши ишларида Алишер Абдураҳмонов, Эркинбой Давлатов сингари тажрибали механизаторлар ва Умаржон Тургунов, Холмирза Файзиев, Тошпўлат Неъматов, Озодахон Маматова, Маҳбубахон Юнусова сингари миришкор сувчилар алоҳида маҳорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг меҳнатлари туфайли ғўзалар кунига бир яшнаб, ҳосилга ҳосил қўшмоқда.

Бригада азаматлари ғўзага август ойида ҳам икки марта ишлов бериш «шарбат» сувига қондириш учун ҳамма тажрибаларини ишга солмоқдалар.

О. МУМИНОВ.
Наманган области.

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАЗОРЛАРИДА

БОКУ. (**ТАСС муҳбири Р. Григорян**). Республиканинг ҳамма пахтакор зоналарини кўздан кечирган Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари «рекорд ҳосил пишиб етилмоқда» деган хулосага келдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзаро текшириш якунларини муҳокама қилди. Бригадаларнинг рақбарлари ғўза парвариши яхши ташкил этилганлигига, Озарбайжон дала меҳнатчилари ўртасида ўнинчи беш йиллик планининг биринчи йили плани ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзганлигини юқори баҳоладилар. Республика пахтакорлари об-ҳаво шароитлари ҳаддан ташқари ноқулай бўлганлиги оқибатида келиб чиққан кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Натижада ғўза ривожидаги қолоқлик ҳамма жойда тугатилди.

Мўл ҳосил тўплаш юзасидан республикада эълон қилинган ойлик кунларида қатор ораларини ишлаш, ғўзани суғориш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш кучайтирилмоқда. Айни вақтда мусобақадош дўстлар бир қанча танқидий мулоҳазаларни айтдилар, фойдали маслаҳатлар бердилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Озарбайжон пахтакорлари билан Ўрта Осиёдаги қардош республикалар пахтакорларининг аньанавий мусобақаси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди ҳамда ўзбек, тожик, туркман пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари «рекорд ҳосил пишиб етилмоқда» деган хулосага келдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзаро текшириш якунларини муҳокама қилди. Бригадаларнинг рақбарлари ғўза парвариши яхши ташкил этилганлигига, Озарбайжон дала меҳнатчилари ўртасида ўнинчи беш йиллик планининг биринчи йили плани ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзганлигини юқори баҳоладилар. Республика пахтакорлари об-ҳаво шароитлари ҳаддан ташқари ноқулай бўлганлиги оқибатида келиб чиққан кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Натижада ғўза ривожидаги қолоқлик ҳамма жойда тугатилди.

Мўл ҳосил тўплаш юзасидан республикада эълон қилинган ойлик кунларида қатор ораларини ишлаш, ғўзани суғориш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш кучайтирилмоқда. Айни вақтда мусобақадош дўстлар бир қанча танқидий мулоҳазаларни айтдилар, фойдали маслаҳатлар бердилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Озарбайжон пахтакорлари билан Ўрта Осиёдаги қардош республикалар пахтакорларининг аньанавий мусобақаси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди ҳамда ўзбек, тожик, туркман пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаларининг фаолиятини мақуллади. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарларига ўзаро текшириш бригадалари аъзоларининг кўпроқ ҳосил тўплаш ва уни йиғиб-териб олишга ҳозирлик кўриш юзасидан берган тавсияларини амалга ошириш учун шошилинч чоралар кўриш таклиф қилинди.

ПАРВАРИШНИ ҚИЗИТИБ, ТЕРИМГА ШАЙЛАНАЙЛИК

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда республика партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, колхозлар ва совхозларнинг пахта етиштиришни кўпайтириш ва 5 миллион 300 минг тонна пахта тайёрлаш, ҳосилнинг камида 3 миллион тоннасини машиналар билан териб бериш борасида катта ташкилотчилик ишлари олиб бораётганликларн таъкидланади.

Шу билан бирга, бир қанча хўжаликлар ва районларда ғўзаларни парвариш қилиш ҳамда янги ҳосилни териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш ишларини ташкил этишда нуқсонлар ва камчиликлар борлиги кўрсатилди. «Узсельхозтехника» бирлашмасининг айрим ремонт корхоналарида, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Жиззах, Наманган областларининг, бошқа қатор районларнинг хўжаликларида техника ремонти орқада қолаётгани, йўл қўйилган камчиликлар тезкорлик билан тугатилиши зарурлиги уқтириб ўтилди.

Ғўзаларни парваришлаш учун яна 20—25 кун фурсат қолди. Бу фурсат жуда ғанимат, олтиндан қиммат дамлардир. Чунки ҳар икки-уч кунда кузда тарози босиб, деҳқонлар юзини ёруғ қиладиган битта тўқ кўсак бунёдга келади.

Деҳқонлар августни хазинани бойитиш ойи дейишади. Сабаби, шу ойда ҳосилга ҳосил қўшилади, тўпланган нишоналар сақлаб қолинади, кўсаклар очилтириб олинади, сўнгра теримга киришилади. Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва бошқа областларнинг илғор хўжаликларида ғўзалар агротехника қоидалари асосида парвариш қилиниб, ҳар туп ғўзада 7-8 бўлиқ кўсак бунёдга келтирилди.

Август — деҳқонлар учун энг масъулиятли ой. Бошси — ғўза парвариши ёнига терим тараддуди ҳам қўшилади. Икки муҳим тадбирнинг бир вақтга тўғри келиши партия ташкилотлари, меҳнат аҳлидан уюшқоқлик, ишчанлик, тадбиркорлик намуналарини кўрсатишни талаб этади. Августнинг вазифаси ўтган ойлардагидан анча оғир. Июнь ва июль ойлари ҳосил эстафетасини август ойига берди. Бирорта шона, гул, тугунчанинг тўкилишига йўл қўйиш мумкин эмас, нўсакларни тўла сақлаб қолиш, бунинг устига, ҳар туп ғўзада яна 10 та салмоқдор кўсак ҳосил қилиш зарур. Пахтачи, Избоскан, Денов, Қува, Бувайда, Сариосиё ва бошқа илғор районларда шуни кўзлаб, моҳирлик билан иш тутиляпти.

Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари пахта терими бошлангунча бироз кишн ёки техника воситаси пайкаллардан чиқмайди, ғўза парваришини зарбдорчасига давом эттиради, деган шиорни кун тартибига қўйдилар. Хўжалик далаларида колхозчилар, чопиқ тракторлари, ҳуқусан сувчилар сони ўтган ойдагидан кўпайтирилди, шароит ҳисобга олиниб, янги графиклар белгиланди. Суғориш билан культивация бир-бирига уйғунлаштириб олиб бориляпти, бегона ўтлар йўқотилди, чеканка тугалланди. Ишда сўръат билан сифатга катта аҳамият бериляпти. Шундай қилиб, юқори ҳосилга мустаҳкам замин яратиляпти.

Лекин Балиқчи, Шеробод, Шўрчи ва бошқа қатор районларда бошқача манзарани кўрамиз. Бу районларга қарашли хўжаликлар далаларида ғўзалар нотекис ҳосил тўплаяпти. Шунга қарамай, ишчи кучлари, техника воситалари парваришни кучайтиришга тўла сафарбар этилмаяпти. Ғўзаларни йўлатиб ва чўллатиб суғориш ҳолларига барҳам берилган эмас. Бегона ўтларни йўқотиш чоралари кўрилмаяпти. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари учраб турибди.

Терим машиналари ва бошқа техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариш шу куннинг муҳим вазифасидир. Афсуски, Амударё, Когон, Қўшкўпир ва бошқа нўпчилик районларда ремонт ишлари суст кетмоқда. Ишлар ремонтчилар билан олиб бориляпти, кўчма устахоналарни комплектлаш пайсалга солиняпти, механизатор кадрлар сафини кенгайтириш йўли билан машиналарни икки сменада ишлатиш чоралари кўрилмаяпти. Дефолиация химикатларини ташиб олишда ҳам ўзибўларчилик ҳоллари учраяпти.

Пахтакорларимиз август ойини ғўза парваришида зарбдор ойга айлантиришлари керак. Ғўзаларни суғориш кеча-кундуз бир маромда ўтказилиши, сув пайкалларга фақат «шарбат» усулида таралиши, бостириб суғориш, чанқатиб қўйиш ҳолларига бутунлай барҳам берилиши керак. Уч-тўрт кун сувдан қолдирилган ғўзалар 25—30 процентгача ҳосил нишоналарини тўкиб юборишини, устма-уст суғорилганда ғовлаб кетишини унутмаслик лозим.

Айрим жойларда кузги тунлам, кўсак қурти, шира кенг тарқаляпти. Гарчи заҳарли химикатлар сепилаётган бўлса-да, ҳашаротлар қирилиб кетмаяпти, бир картадан иккинчи картага ўтиб, ҳосилга хавф соляпти. Сифат комиссиялари, химизаторлар пайкалларни кеча-кундуз кузатиб боришлари, ҳашаротлар аниқланган жойларда дарҳол кучли таъсир кўрсатадиган чоралар кўришлари керак. Халқ меҳнати билан бунёдга келтирилаётган ҳосилни зараркунандаларга ем қилиб қўймайлик!

Машина теримига ажратилган участкаларнинг ғўзалари айниқса меҳр билан парвариш қилиниши, қатор оралари юмшоқ сақланиши, бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига асло йўл қўйилмаслиги керак. Бегона ўтлар ҳосил ва машина теримининг душманидир. Чеканка тугалланди, лекин айрим жойларда бачки шохлар ўсиб чиқяпти, бунга йўл қўйилмаслиги зарур. Дефолиация қайси пайкалларда қачон ўтказилиши ҳозир аниқ белгиланиши, самолётлар учадиган майдончалар тайёрланиши керак. Бир марта химикат сепиш билан барглари тўла тўктириш чораларини кўриш хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг шарафли ишидир.

Қарор асосида ғўза парваришини сира сусайтирмаган ҳолда пахта йиғим-теримига тайёргарликни ғоятда кучайтириш пайти келди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари йўллар, кўприклар, пахта вақтинча асраладиган ва қуритиладиган майдончалар ҳамда бостирмаларни тез ва соз ремонт қилиб қўйиш чораларини кўришлари талаб этилади. Айни кезда пахта пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта тозалаш заводлари ремонти муваффақиятли тугалланиши даркор.

Республика партия ва ҳукуматининг қарори съездлар йили пахта ҳосилини тез ва соз териб олиш, юқори сортлар билан давлат тайёрлов ташкилотларига топширишни таъминлашда жанговар программадир. Шу қарор асосида ҳар бир колхоз ва совхоз, районда ғўза парваришини кучайтириш, пахта йиғим-теримига тайёргарликни авж олдириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Бутун куч-ғайратимиз, ақл-заковатимиз, билим-тажрибамизни қарорда белгиланган улкан вазифаларни шараф билан бажаришга сафарбар этайлик!

ҚАРОР АСОСИДА

Хўжалигимиз меҳнат аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини пахта ўрганиб чиқиб, шу асосда конкрет тадбирлар белгилаб олдилар.

Бу йил хўжалигимиз бўйича 1743 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганмиз. Биз ғўза парваришини яхши ташкил этиш билан бир қаторда машина теримига ҳам пахта ҳозирлик кўраётирмиз. Етиштирилган ялпи ҳосилнинг 90 процентн «зангори кема»лар билан териб олинади. Бунинг учун барча майдонлардаги ғўзалар машина теримига қулай қилиб ўстириляпти.

Бу йилги мавсумда 28 та пахта териш машинаси, 11 та кўрак юлиш агрегати ҳамда 6 та подборщик ишлайди. Барча механизмларни мавсумга шай қилиб қўйдик. Ҳар бир терим машинаси билан ўртача 150—160 тоннадан пахта терилади. Колхозимизнинг турсунойчи қизларидан Малика Шукурова, Гулнора Алиевалар-нинг ҳар бири 250 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олишди. Пахта йиғим-терими кунларида механик-ҳайдовчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилади. Уларга иш ҳақлари ҳар ўн кунда мунтазам равишда бериб борилади.

Ш. НАЗАРОВ,
Самарқанд область Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози раиси.

КУБАНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

ГУРЛАНЛИКЛАР АҲДИ

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев маъқуллаган Кубань ғаллакорларининг ташаббуси Хоразмда кенг қўламда қўллаб-қувватланмоқда.

Гурлан районн колхозлари ва совхозлари меҳнаткашларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Район шолиқорлари ва маккажўхорикорлари бу йил 40 минг тонна дон етиштиришга қарор қилдилар. Бу миқдор илгари мўлжалланганидан 5 минг тонна кўпдир.

Юқори ҳосилли «Коммунизм» колхозининг мириштор шолиқорлари гектар бошига қўшимча 10 центнердан шоли олиш, ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Бу ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Николай Пак билан Эшимбет Собиров пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг бригадалари гектар бошига 70 центнердан шоли олишни мўлжаллаб турибди. Владимир Тю бригадаси гектар бошига 75 центнердан рекорд ҳосил бериш учун курашмоқда.

Ихтисослаштирилган «Янгиобод», «Гулистон», «Россия» совхозларининг шолиқорлари оширилган мажбуриятлар олдилар. Гурлан пахтакорлари ҳам янги юксак маррани белгилаб қўйдилар. Улар 68 минг тонна пахта етиштиришга қарор қилдилар.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советн қатъий ишонч билдириб айтадиларки, партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун механизаторлар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта теримига ўз вақтида ва юқори сифатли тайёргарлик кўриб, уни муваффақиятли ўтказишни таъминлайдилар, давлатга 5 миллион 300 минг тонна пахта топшириш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўрадилар».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қаророидан).

Тошкент ва Жиззах области пахтакорлари ўзаро социалистик мусобақа боғлашган. Улар бир-бирларига мунтазам равишда амалий ёрдам бериб келишяпти. Суратда: Қуйи Чирчиқ райони илғор пахтакорларидан бир группаси Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошчилигидаги бригада далаларида.

А. Абалян фотоси.

БИНОКОРЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

Тошкентда бинокорлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Республика пойтахтидаги қурилиш корхоналарининг новаторлари, жамоатчилик вакиллари ўз байрамларини ишонлаш учун бу ерга келишди. Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри И. К. Бородавко йиғилишда доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси А. А. Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. В. Марцинюк иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Раиси Милка Планинц ҳоним бир неча кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Югославиядан келган меҳмон Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасини, бошқа маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрди. У Самарқандга, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозига бориб келди.

М. Планинц Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. (ЎзТАГ).

60 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Сувчи яна жўякларни, сувнинг оқишини текшириб бормоқда.

— Ҳорманг, Ҳусанжон ака! — қўшни картада сув тараётган Салимжон Каримовнинг товушн эшитилди ортидан.

— Ҳа, келинг, Салимжон, ишни тамом қилдингизми?

— Ҳа, ишлар яхши бўлди.

— Энди навбат қаерга?

— Кеча кундузи тутзор олдидаги ерга трактор ишлов бераётганини кузатдим. Сал қуруқ чанг кўтарилгандек бўлди. Ер чанқаган бўлса керак. Ҳозир ўша ерга сув очаман.

— Балли, деҳқон ўғлисан-да! Ишнинг кўзини, ернинг тилини биласан. Мен ҳам тугатай деб қолдим бу картани, ёрдамга бораман.

Булар кимлар деб сўрарсиз? Улар—моҳир пахтакор Эргашали Эшматов бошлиқ бригада сувчилари ҳар куни 2—3 гектар пахтазорни оби ҳаётга қондиришяпти.

Бригада коллективи 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кутариш учун курашаётир. Бригада сувчиларидан Ҳусанжон Холматов, Исмоил Ҳолиқназаров ва Салимжон Каримовлар мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхози партия ташкилоти 60 центнерчи Эргашали Эшматов бошлиқ бригада тажрибасини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилмоқда. Бу ишда агитаторлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Ҳозир хўжаликнинг барча бригадаси юқори ҳосил учун курашмоқда.

Б. НОСИРОВ,
Фарғона области.

МАШИНАЛАР ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Гектаридан 45 центнердан пахта етиштирамиз. Ҳосилнинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан машиналарда терамиз. «Зангори кема»ларни мавсумга шайлаб қўйдик. Узим машинада 300 тонна «оқ олтин» тераман. Ғўза парваришини пахта терими бошлангунча давом эттирамиз.

Бригадамиз аъзоларининг бу йилги аҳду паймони шундай. Ҳозир ғўзаларимиз барг уриб ўсяпти, ҳар тупида 10 тагача бўлиқ кўсак бунёдга келди. Усиш, ривожланишдан орқада қолган 20 гектар майдондаги ғўзаларни зарбдорчасига парваришлаб, юқори ҳосилли ғўзалар даражасига етказиб олдик.

Бригадамизга 70 гектар пахтазор биркитилган. План бўйича гектаридан 31 центнердан хирмон кўтаришимиз керак. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларидан илҳомланган бригадамиз аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Жиззах область Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошлиқ бригадаси аъзоларига йўллаган мактуби бригадамиз аъзоларини янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда.

Хоразм область Хива районининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда самарадорликни ошириш, қолоқларсиз ишлаш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Совхозимиз коллективи бу ташаббусга қўшилди ва ўнинчи беш йилликнинг биринчи давраси — 1976 йилда 12 минг тонна пахта тайёрлаш, шундан 7 минг тоннасини машиналарда териб олишга азму қарор қилди.

Районимиз бўйича 67 минг тонна пахта етиштирамиз, шундан 30 минг тоннасини «зангори кема»ларда йиғиштириб олямиз. Ҳар бир колхоз ва совхозда шу асосда конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга дадиллик билан жорий этилмоқда. Съездлар йили синов йилидир. Синовдан муваффақиятли ўтиш учун ҳаммамиз ва ҳар биримиз ўз участкамизда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишимиз, ҳар карта, ҳар қатордаги ҳар туп ғўзада зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштиришимиз керак.

Яқинда район партия комитетида илғор пахтакорларнинг маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Йиғилишда июль ойида ғўза парвариши соҳасида қилинган ишларга якун ясадик, август ойида қиладиган ишларимиз ҳақида батафсил фикрлашиб олдик. Шу ўринда бригадамизда қилинган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман.

Ҳамма майдонлардаги ғўзаларимизни тўрт марта комплекс парваришдан чиқардик. Бу йил сифат масаласига алоҳида эътибор - бермоқдамиз. «Пайкалларда тракторларнинг ғилдираклари айланса бас», — дейдиган вақтлар ўтиб кетди. Деҳқонларимиз омилкор бўлиб қолдилар. Улар ҳар литр сув ва ёнилғи, ҳар килограмм ўғит, тракторлар ғилдирагининг ҳар айланишидан юқори ҳосил етиштиришни кўзлаб иш тутмоқдалар. Самарадорлик биринчи ўринга қўйилмоқда.

Сув анча сероб бўлди, минерал ўғитларни кўп олдик. Механизаторларимиз ва сувчиларимиз режали иш тутмоқдалар. Минерал ўғитларнинг йиллик нормаси ғўзаларга бериб бўлинганига анча бўлди. Бегона ўтларни йўқотдик. Ана шундай тадбирлар амалга оширилиши туфайли 1 августгача ҳар туп ғўзада ўртача 10 та бўлиқ кўсак ҳосил қилдик.

Лекин ҳали қилинганидан кўра қиладиган ишларимиз кўп. 45 центнерлик пахта хирмонига эга бўлиш учун нималар қилишимиз керак? Мен йиғилишда шу ҳақда сўзлаб бердим. Биз бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, август ойида ҳамма майдонларда уч марта сифатли комплекс парвариш ўтказишга аҳд қилдик. Бунинг учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Ички резервлар шуни кўрсатдики, ҳар ўн кунда бир марта комплекс парвариш ўтказишимиз мумкин. Шунда ҳам сифатга алоҳида эътибор беришимиз керак. Ғўзаларнинг ҳосил шохлари ўсиб, бир-бирига киришиб кетди. Шохлар ва ҳосил нишоналарини жарохатламаслик учун тракторларга тўсиқлар ўрнатдик. Механизаторларимиз тракторлар тезлигини бир оз камайтирдилар. Лекин эрта тонгда иш бошлаганлиги, қош қорайгунча пайкаллардан чиқмаганлиги учун кунлик графикни анча ошириб бажармоқдалар, миқдор билан сифатни бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар.

Чеканкани ўтган йилдагидан эрта тугалладик. Аммо парвариш кучайтирилиши туфайли ғўзаларда бачки шохлар пайдо бўлмоқда. Биз бачки шохларни дарҳол кесиб ташламоқдамиз, зарур топилган айрим карталарда такрор чеканка ўтказилди. Чеканка ҳосилдорликни 4-5 центнер кўтаради, айни кезда машина теримига қулай шароит яратади.

Бегона ўтларни йўқотдик, мен буни юқорида айтиб ўтдим. Лекин бугун кўзга кўринмаган бегона ўтлар уч-тўрт кунда пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун хушёрликни кучайтирмоғимиз керак. Чуқур культивация ўтказилса, тракторларнинг ишчи органлари қатор оралиғини кенгроқ қамраб олса, бегона ўтлар ўса олмайди. Механизаторларимиз бунга алоҳида эътибор бермоқлари керак.

Август ойида ғўзаларни қондириб суғориш биринчи даражали аҳамият касб этади. Уч кун сувдан қолган ғўзалар эллик процентгача ҳосил нишоналарини тўкиб юборади. Устма-уст суғорилган ғўзалар эса ғовлаб кетиб, камҳосилли бўлиб қолади. Ҳар икки кўринишга йўл қўймаслигимиз керак. Бизнинг фикримизча, август ойида ҳамма майдонлардаги ғўзаларни уч марта қондириб суғориш ҳосил ёнига ҳосил қўшади, шоналарни тезроқ гулларга, гулларни кўсакларга айлантиради, кўсакларнинг салмоқдор бўлиб, тезроқ очилишига ёрдам беради. Т. Умрзоков, Э. Кўчқоров, С. Тошматов каби сувчиларимиз кундузи бир гектар, тунда 0,80 гектар ернинг ғўзаларини қаттиқ норма асосида суғормоқдалар.

Ғўза парваришини кучайтириш билан пахта теримига тараддудни авж олдирмоғимиз керак. Бу йил пахта эрта пишади, терим ҳар йилгидан барвақт бошланади. Терим машиналарини мавсумга тезроқ шайлаб қўйиш шарафли ишимиздир. Совхозимиз далаларида 54 та терим машинаси ишлайди, унинг асосий қисми тахт қилиб қўйилди, колган қисмининг ремонтини узоғи билан 10 августгача тугаллаймиз.

Механизаторларимиз кўп ва тоза пахта териш бўйича ўзаро мусобақа боғламоқдалар. Механизаторлар отрядига устозимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Курбонали Кенжаев бошчилик қилмоқда. Турсунали Каримов, Қодирали Ҳолматов, Қодирали Ҳомидов, Тўйчибой Деҳконов, Сотволди Рафиқов, Усубали Жалилов каби илғор механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 250—300 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз бердилар. Бу йил совхозимиз ва районимиз бўйича ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унумини ўтган йилдагидан 25—30 тонна оширамиз.

Бригадамиз пахтакорлари август ойида тўла куч-ғайрат билан ишлаб ғўза парваришини кучайтирадилар, дефолиацияни вактида ўтказадилар, гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариб, пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган беш йиллик планни уч йилда бажаришга мустаҳкам замин яратадилар.

Ҳакимжон ХЎЖАМУРОДОВ,
Фарғона область Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози комплекс механизациялашган пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

ҚОВУН-ТАРВУЗ КАРВОНЛАРИ

ЗАДАРЕ (**«Совет Ўзбекистони» муҳбири**). Шу кунларда район йўлларида қовун-тарвуз юкланган автомашина ва тележкалар карвони кўпайиб қолди. Деҳқонлар ўзлари бунёд этган нознеъматларини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишаётир.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 11200 тонна ҳосил етиштириш, шундан бир қисмини мамлакатимизнинг турли шаҳарларига етказиб беришга аҳд қилган район полизчилари эрта баҳордан бошлаб астойдил меҳнат қилдилар.

Маҳсулотни тайёрлов пунктларига тез ва сифатли етказиб беришни таъминлаш учун район ижроия комитети раиси бошчилигида алоҳида штаб тузилди. Штаб аъзолари совхоз ва колхозлардаги полизларни айланиб кўриб, ҳосил пишиб етилиш муддатини олдиндан белгилайдилар ва уни тайёрлов пунктига етказиб бериш чорасини кўрадилар.

Иш омилкорлик билан уюштирилаётганлиги учун қовун-тарвуз тайёрлаш бўйича олдиндан белгиланган графикнинг тўла бажарилиши таъминланмоқда. Ҳар куни давлатга йиллик планнинг 5-6 проценти миқдорида қовун-тарвуз топширилянти.

«Салют-5» ЭКИПАЖИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 9 август. (ТАСС). Борис Волинов билан Виталий Жолобов «Салют-5» орбитал илмий станциясининг ичида учишни давом эттирмоқдалар.

14 июлда бошланган «Кристалл» технологик эксперименти муваффақиятли чиқди. Космонавтлар кристаллизатордан ўстирилган кристаллардан бирини чиқариб олиб, контейнерга солдилар. Кейинчалик бу контейнер ерга келтирилади. Вазнсизлик шароитида кавшарлаш хусусиятларини тадқиқ этиш юзасидан «Реакция» экспераменти иккинчи бор ўтказилди.

Экипаж инфрақизил пересконт спектрометр ёрдами билан навбатдаги тадқиқотлар туркумини бажарди. Бунда Ер курраси қитъа районлари устидаги турли баландликларда атмосферанинг шаффофлигига оид маълумотлар олинди.

Бутун эрталаб космонавтлар халқ хўжалигининг манфаатларини кўзлаб ер юзи территориясининг спектрозонал съёмкасини олдилар. Съёмка Белоруссия, марказий нокоратупроқ полоса, Поволжье, Ўрта Осиё республикалари районларининг устида ўтказилди.

Телеметрик информация маълумотлари ва космонавтларнинг докладларига кўра «Салют-5» станцияси бортидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди. Экипажнинг иккала аъзоси ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ер атрофи космик фазосидаги тадқиқотлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмасида сифатни комплекс — бошқариш системасининг сўнгги элементини ўзлаштиришга — корхона стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга киришилди.

Корхонада сифатни бошқаришга комплекс ҳолда ёндашиш яхши натижалар бермоқда. Кейинги йилнинг ўзидагина тушадиган эътироз-лар уч баравар қисқарди, маҳсулотнинг 6 процента сифат белгиси қўйиб чиқарилмоқда. Ўзбекистоннинг савдо ташкилотлари бошқа республикалардан эркаклар костюми харид этишдан воз кечди. Бунда бирлашманинг сифат кўрсаткичлари аҳамиятга молик бўлди.

Сифатга кўп нарса: машина-ускуналарнинг аҳволи ва хом ашё хоссаси, техникавий ҳужжатлар даражаси, ходимларнинг билими, эпчиллиги таъсир ўтказади. Бирлашмада ишлаб чиқилган сифатни комплекс бошқариш системаси шуларнинг ҳаммасини назарда тутади. У биринчи қарашда маҳсулот сифатига актив таъсири йўқдек кўринган омилларга ҳам эътибор беради. Бир мисол келтирайлик.

Бўлиб ўтган республика ярмаркасида Тошкент тикувчилик бирлашмасининг бўлими энг гавжум жойга айланди.

Корхонада бир йилдирки, харидор билан қизиқтирарли ва самарали алоқа боғлаб келиняпти: графикка кўра, конструкторлар, технологлар, мастерлар, бригада бошлиқлари, тажрибали ишчилар пойтахтда бирлашманинг маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазинларнинг пештахталари ёнида турадилар. Улар савдо ходимлари ва харидорларга маслаҳатлар берадилар, чиқиб қолган нуқсонлар билан шу жойнинг ўзида танишадилар, энг муҳими эса, ўз маҳсулотларига бўлган талабни диққат бериб ўрганадилар. Улар харидорларнинг умуман модель тўғрисидаги, шунингдек костюмнинг айрим элементлари ва деталлари ҳақидаги, материал ранги, фурнитураси, ўралиши тўғрисидаги фикрларини билиб оладилар.

Шундай «сотувчилар»нинг муфассал ҳисоботларини корхонанинг тегишли бўлимлари анализ қилиб чиқадилар, ҳафталик «сифат кунлари»да муҳокама қиладилар. Харидорларнинг илтимосига кўра киритилган сўнгги тузатишлардан бири шуки, ҳозир ҳамма моделлардаги костюмлар икки хил вариантда — ёшлар учун ва катта ёшдаги кишилар учун мослаб тикиб чиқарилмоқда.

Лекин янги модель деган сўз қўшимча ҳаражатларни ҳам билдиради. Маҳсулотнинг 60 процента янги бўлгач, қимматга тушиб кетмасмикин? Йўқ. Ҳозир корхонанинг маҳсулоти харидоргир бўлиб қолди. Ҳолбуки, бундан уч-тўрт йил аввал бирлашманинг 15—17 миллион сўмлик — йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг қариб ярми омборларда чанг босиб ётарди. Нархини туширишнинг ўзидан миллионлаб сўм йўқотиларди.

Тикувчилар комплекс системани жорий этаётиб, яна бир нарсага ижодий ёндашдилар.

Илгари корхонага келувчи материаллар кўз билан чамалаб, текшириб чиқиларди. Энди бўлса, газлама, ип, тугма, хилма-хил безак материаллар ғоят қаттиқ физик-кимёвий ва механик контролдан ўтади. Брак маҳсулот дарҳол эгасига қайтариб жўнатилади ва ҳамма камчиликлари муфассал кўрсатиб чиқилади. Кейинги бир ярим йилда материал юборувчиларга уч юзга яқин эътироз билдирилган бўлса, 1974 йилда атиги икки мартагина шундай килинганди.

В. ОСТРОЛУЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР

Ўнинчи беш йиликнинг зарбдор иншоотларидан бири Хўжакент ГЭСи қурилиши жадал суръатлар билан бораяпти. Шу кунларда бу ерда бўлсангиз монтажчи, бетончи, пайвандчи, сувоқчи сингари ўнлаб касб эгаларининг фидокорона меҳнати устидан чиқасиз. Бўлажак нурхона бунёдкорлари уч гидротурбинани шу йилнинг охирига қадар ишга тушириш учун сўз берганлар. Йиллик планларини декабрь ойига қадар бажариш мажбуриятини олган қурувчилар графикдан анча олдинда боришяпти. Суратларда: ГЭСнинг илғор бунёдкорлари (чандан) монтажчи Р. Иброҳимов, Г. Кобачинский, пайвандчи Н. Сайфулин ва М. Содиқов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

РЕЗЕРВЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Белгород область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари М. П. Трунов, музокараларда сўзга чиққан Алексеевка шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. В. Енин, Валуйский районидаги «Октябрьский луч» колхозининг раиси Н. Г. Баев, Шебекин районидаги «Заря» колхозининг комбайнчиси В. И. Белоед ва бошқа мутахассислар область хўжаликларида оширилган мажбуриятларни бажариш учун реал имкониятлар вужудга келганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Область қишлоқ меҳнатчилари бу йил давлатга 1 миллион тонна ёки илгари қабул қилинган мажбуриятдагидан 170 минг тонна кўп ғалла, 3 миллион 600 минг тонна ёки илгари қабул қилинган мажбуриятдагидан 300 минг тонна кўп қанд лавлаги сотишга қарор қилдилар.

Ҳозир ғалла ўрим-йиғими ялпи давом этмоқда. Деҳқонлар ўрим-йиғимни белгиланган муддатда ва нест-нобуд қилмай ўтказмоқ учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Область колхоз ва совхозларининг далаларида 900 та ўрим-йиғим-транспорт отрядлари ишлаб турибди. Бу отрядлар ихтиёрида 5 мингдан кўпроқ комбайн, 14 минг автомобиль ва кўпгина бошқа қишлоқ хўжалик техникаси бор. Валуйский, Алексеевка, Вейделевка, Ровеньки районлари ва бир қанча бошқа районларнинг механизаторлари ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Ишнинг муваффақияти ғалла ташишда автотранспортдан тўхтовсиз, серунум фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Актив йиғилиши партия ва хўжалик ташкилотларига областдаги транспорт корхоналарида ростовлик ҳайдовчиларнинг бригада пудрати методини кенг ёйишни тавсия этди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ростовлик ҳайдовчиларнинг ишига юксак баҳо берди.

Область чорвадорлари пландан ташқари давлатга 15 минг тонна гўшт, 37 минг тонна сут, 35 миллион дона тухум сотиш мажбуриятини олдилар. Қорамол туёғини шу йилнинг бошидагига нисбатан 31,6 минг бош, шу жумладан сигирларни 12,7 минг бош, шунингдек чорва моллари ва паррандаларнинг бошқа турларини кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Эфир мойли экинлар, кунгабоқар, сабзавот ва картошка планда белгиланганидан кўп сотилади.

Ҳар бир хўжаликда планга нисбатан камида 20 процент миқдорида хашак ва ширали озуқаларнинг эҳтиёт запасини вужудга келтиришга ва бу билан 1977 йилда давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш планларини ошириб бажариш учун мустаҳкам замин яратишга қарор қилинди.

Калининград ва Чимкент областларининг деҳқонлари ҳам давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетига, Ўртоқ Л. И. Брежневга йўллаган мактубларида техникадан юксак унумли фойдаланиш, ўрим-йиғим ишларини қисқа муддатларда ва нес-нобуд қилмай ўтказиш учун кенг авж олдириб юборилган социалистик мусобақа асосида эммага олинган оширилган мажбуриятлар тўла-тўкис бажарилади, деб ишонтирадилар.

(ТАСС).

ҚУРУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

«Главташкентстрой» 6-трести 32-қурилиш-монтаж бошқармасининг комсомол ёшлар бригадаси азаматлари янги ташаббус билан чиқишди. Улар Тошкентдаги барча ёш қурувчиларга «Қурилиш объектларида сифатга алоҳида эътибор берайлик» деб мурожаатнома қабул қилишди.

Меҳнатга ижодий ёндашиш бригаданинг асосий шиоридир. Бригада азаматлари ўтган йили етти рационализаторлик таклифи киритишди. Унинг тўрттаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шундан 9,2 минг сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Бригада бунёдкорлари 1974 йилдан бери москвалик машҳур қурувчи Николай Злобин методи асосида ишлашмоқда. Бригаданинг 18 ёш қурувчиси бир неча хил ҳунарни эгаллаб олган.

— 20 кишилик комплекс бригадамиз азаматларининг асосий касби ғишт теруючилик, — дейди бригада бошлиғи Тўхтамурод Маъдиев. — Иван Кузьмич Логвинни ўзимизнинг устозимиз деб биламиз. У бизга кўпгина касбларни ўргатган. Унинг ташаббуси туфайли кўплаб ёшлар ўз касбининг устаси бўлиб қолишди.

Бригада февраль ойидан бери студентлар шаҳарчасида кинотехникум ётоқхоналарини қуришда қатнашди. Ҳозирги кунда улар Тошкент Медицина институти коттеджларини қуришда қатнашмоқда.

Еш қурувчилар яқинда Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги шарафига зиммаларига янги социалистик мажбуриятлар олишди. Улар йиллик планларини 1 октябргача бажаришга, ўнинчи беш йиллик планини эса тўрт йилда уддалашга аҳд қилишди.

Ш. ҲАБИБОВ.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

Олмалиқ химия заводининг янги микрорайонида 353 метр узунликда янги бино қурила бошланди. Бино ўзининг узунлиги билангина фарқ қилиб қолмайди. Бинонинг бутун биринчи қаватида маиший хизмат ва савдо корхоналари бўлади. Бу ерда магазинлар ва рўзғор асбоблари, пойафзал-соатларни ремонт қилувчи устаханалар, пардоз салони жойлашади. Қолган тўрт наватда 2-5 хоналик 185 квартира бўлади. Кенг айвон ва деразалар қуёшдан муҳофаза қиладиган қурилмалар билан жиҳозланади.

Шаҳарда мана шу энг йирик уйни қураётган «Алмаликсвинецстрой» трестининг ходимлари завод ишчиларига уйларнинг калитини шу йилнинг ўзида топширишга аҳд қилдилар.

ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ

УРГАНЧ. (ЎзТАГ). Хонқа районидаги тўқиз хўжалик беш минг бош мол учун мўлжалланган хўжаликлараро чорвачилик комплексини қуриш учун ҳамжиҳат бўлиб, куч-ғайратларини бирлаштиришди. Улар шу мақсад учун сал кам уч миллион сўм пул ажратдилар.

Йирик гўшт фабрикаси бўш ётган ерларда қурилмоқда. Фабрика ҳар йили 1200 тонна мол гўшти етиштирадиган бўлади. Комплекс ходимлари учун обод посёлка барпо этилмоқда.

Гўшт етиштиришни концентрациялаш ва механизациялаш хонқалик чорвадорларга ҳар йили ярим миллион сўм миқдорида соф фойда олиш имконини беради.

Комплекснинг 2000 бош молга мўлжалланган биринчи навбатини Октябрнинг 59 йиллигигача қуриб битказиш мўлжалланган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРДА

ТОҒЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Андижон сув омборининг сақни 55,2 квадрат-километр бўлиб, унга 1.750 миллион куб метр сув йиғилади.

Иншоот қурилишига 300 миллион сўм капитал маблағ сарфланади. Тўғоннинг баландлиги 115,5 метрга етади ва жами 2 миллион тонна бетон ётқизилади.

Сув омбори Фарғона водийсида 416 минг гектар ерда суғориш ишларини яхшилайди. Салкам 50 минг гектар янги ерларни ўзлаштиришга имкон беради.

Халқимизда шундай нақл бор: «Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади». Ўз қаёт синовидан ўтган ҳақиқатдир. Лекин замонамизнинг девкор бунёдкорлари — баҳодир қурувчилари ва монтажчилари, билимдон ирригаторлари ва мелиораторларининг ақл-заковати туфайли тоғлар ҳам бир-бири билан учрашяпти, дарёлар исталган томонга оқяпти. Кампирравотда содир бўлаётган воқеа бунга шоҳид бўла олади.

...Икки тизма тоғ узоқ йиллардан бери гўё ошиқ-маъшуқлардек бир-бирига етиша олмай «ишқ ўтида» ёнарди. Уларга Қорадарё ўртада «гов» бўлиб тургандай эди. Совет кишиларининг иродаси туфайли дарёни тўсиш, тоғларни бир-бирига «қовуштириш» муаммоси ҳал қилинди. Қорадарё жиловланиб, тўпланган сув бутун Фарғона водийсини янада яшнатишга ҳизмат қиладиган кун тобора яқинлашмоқда.

Мана бир неча йилдирки, икки тоғ орасида қаёт қайнайди. Одамлар гавжум. Бу ерга мамлакатимизнинг ҳамма томонларидан қўли гул бунёдкорлар кўчиб келишди. Улар даставвал ўзлари учун уй-жойлар, мактаблар, боғча-яслилар, магазинлар, медпункт ва ошхоналар қуришди. Кўп ўтмай маданий-маиший хизмат кўрсатадиган муассасалар, дам олиш зоналари вужудга келди. Қутлуғ ишнинг бошланиши учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ниҳоят, асосий қурилиш — Андижон сув омбори қурилишига қўл урилди.

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган сув иншооти қурилиши ҳал қилувчи паллага кирди. Қорадарё тўсилди. У сув ўтказиш ўзанига бурилиб юборилди. Бунинг учун салкам 15 минг куб метр тош ётқизилди. Замонамиз Фарҳодлари — гидроқурувчиларнинг шижоати туфайли қурилишда катта суръат ва сифат кўрсаткичларига эришилди. Шу кунларда сув омбори қурилишида меҳнат шижоати авжга минган. Тош ғажийдиган механизмлар, тоғ парналаш машиналари, «ЭКГ-4,6» маркали кучли экскаваторлар, хилма-хил бульдозерлар, қудратли самосваллар «пишқириб» ишлаб турибди.

Биз сув омбори қурилишида бўлганимизда бунёдкор мутахассислар: инженер-техниклар, топографлар, бинокорлар, пайвандчилар, бетончилар, арматурачилар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Мана, уларнинг қалб сўзлари:

В. МЕДВЕДЕВ — «Андижангидростой» бошқармасининг бошлиғи:

— Коллективимиз мазкур сув иншооти қурилишида зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда қисқа муддатда шағал-бетон комплексининг қуриб ишга туширилганлиги тўғонга ҳар ойда 60-70 минг куб метр бетон ётқизиш имкониятини бермоқда. Объектда қурилиш ишларини механизациялаш даражаси йил сайин ортиб боряпти.

Кейинги йилларда қурилишни материаллар, механизмлар, асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар билан таъминлаш даражаси бир ярим баравар ортди. Натижада ончагина мураккаб ҳисобланган қоя ўйиш, тош кесиш, бетон қоришмаларини юқорига чиқариб бериш ишлари механизациялашти р и л д и. Коллективимиз ўнинчи беш йилликда сув омбори қурилишида 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради. Ҳозир масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда-ўнинчи беш йилликнинг тўғриғ йили мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдамиз. Йил охирига тўғон қурилишига 700 минг куб метр бетон ётқизамиз. Шу кунларда машина-механизмлар қувватидан, ишчи кучларидан, қурилиш материаллари ва маблағларидан самарали фойдаланишга катта эътибор бериляпти. Қурилиш-монтаж ишлари самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича бошланган мусобақада биринчи қурилиш бошқармасининг В. Власов, А. Калмиков, иккинчи қурилиш бошқармасининг С. Коздубов, В. Емельянов ўртоқлар бошлиқ бригадалари олдинда бормоқда.

М. ҲАМИДОВ — сув омбори қурилиши сифатини текшириш лабораторияси бошлиғининг ўринбосари:

— Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, мукаммал, пухта, сифатли бетон қуйилишини таъминлашдир. Бу йил сув омбори тўғонига 700 минг куб метрдан ортиқ сифатли бетон ётқизилиши лозим. Бунинг учун лаборатория шароитида цемент, қум, шағалдан иборат бетоннинг мукаммал намуналари ҳосил қилиняпти ва ишлаб чиқаришга жорий этилаётир. Лабораториямизнинг бир қатор бўлимларида тўғон учун ишлаб чиқарилаётган армопанель, металл конструкцияларнинг механик хоссалари, уларнинг мустаҳкамлигини текшириб бориляпти. Армопанелнинг цемент қобиғнини механик таъсирисиз вужудга келтириш тўғрисидаги янги рационализаторлик таклифи йилига ўн минг сўм маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Лабораториямизда тежамкорликка илғор тажриба ва ташаббускорликка кенг йўл очиб берилган. Бу соҳада Н. Сисеева бошлиқ бетон маҳсулотларининг механик хусусиятлари ва сифатини аниқлаш бўлими ходимларининг хизмати катта бўлаётир. Лаборант Х. Маҳмудов, техник Г. Артемова, инженер А. Рўзиев сингари ишчан ходимларимиз самарадорлик ва сифат беш йиллигида иншоот қурилишини янада тезлаштириш, сифат даражасини оширишга баракали ҳисса қўшмоқдалар.

А. УМАРОВ — 5-механизациялашган кўчма колоннанинг кран машинисти:

— Қурилишга келганимга кўп бўлгани йўқ. Аммо, коллективимиз аъзоларининг ҳар бири дилкаш, ҳушмуомала, меҳрибон кишилардир. Улар орасида Юсуфжон Довудохунов билан Александр Ильиныхлар айниқса, ажралиб туришади. Бу икки довюрак кранчи смена топшириқларини доимо ошириб бажармоқда. Яқинда машъал кран машинистлари сафига Мария Маслова ҳам келиб қўшилди. Бу жўшқин қалбли рус аёли илгари Абакан-Тайшет, Чўрноқ гидроиншоотлари қурилишида қатнашиб катта тажриба тўплаган экан. Биз ишдан бўш вақтимизда Мария Маслова, Сергей Альбеков, Алижон Мўйдиновларнинг иш тажрибаларини ҳам ўрганмоқдамиз. Кўчма колоннамиз составидаги барча бригадалар, механизаторлар, кран машинистлари ўртасида бошланган социалистик мусобақа яхши самаралар бермоқда. Куни кеча Ғуломжон Холиқов бошлиқ участка коллективини катта меҳнат ғалабаси билан табрикладик. Улар ойлик топшириқни бир юз ўн процент, меҳнат унумдорлигини бир юз етти процент қилиб адо этдилар. Биз бундай ҳамкасбларимиз билан фахрланамиз.

Э. ТЎРАХЎЖАЕВ — «Андижангидростой» автобазасига қарашли шоферлар бригадасининг бошлиғи:

— КПСС XXV съезди қарорлари асосида автобазамиз коллективи юксак социалистик мажбурият қабул қилган. Коллективимиз меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ҳақиқий намунасини кўрсатмоқда. Айниқса, Тўлқин Аҳмедов бошлиқ шоферлар икки кварталдан бўён ўзаро социалистик мусобақада голиб келмоқдалар. 12 кишидан иборат бригадамиз зиммасига қурувчиларни бетон билан узлуксиз таъминлаш вазифаси юклатилган. Биз ишни уч сменада ташкил этиб, қурилишга бетон қоришмаларини пешма-пеш етказиб бериб турибмиз. Бу ишда Э. Қодиров, Н. Эрназаров, Ф. Старков сингари ҳамкасбларимиз айниқса, намуна кўрсатмоқдалар.

Бригадамиз ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида тўғон қурилишига 700 минг куб метрдан ортиқ бетон ташиб бериш мажбуриятини олган. Бу ўтган йилдагидан 200 минг куб метр ортиқдир.

М. МАДАЛИЕВ — «Ферганаводстрой» трести 3-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи:

— Колоннамизда 150 киши бор. Уларнинг ҳаммаси кўп касбли ишчилардир. Чунончи, бетончи В. Сутирин, электрчи Э. Аҳмедов, кранчи М. Телекматовлар смена топшириқларини доимо 130-140 процент қилиб бажариб келмоқдалар.

Колоннамиз бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришда Ғуломжон Азимов бошлиқ бетончилар бригадаси олдинда бораяпти. Улар тўғон қурилишининг 11, 12-секцияларида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришяпти. Биз сув омбори қурилишида қатнашаётган барча қурилиш ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан елкама-елка туриб, ўзимизга билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлаймиз.

Ўрта Осиёнинг энг йирик сув иншооти қурилишида меҳнат қилаётган қайси бир касб эгаси билан суҳбатлашманг, зўр кўтаринки руҳ ва меҳнат жўшқинлигидан гап очади. Ҳа, КПСС XXV съездининг ҳаётбахш қарорларини амалга ошириш учун ҳар дақиқадан самарали фойдаланиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришаётган бунёдкорлар кун сайин янги ғалабаларга эришмоқдалар.

...Советобод. Қурувчилар шаҳарчаси ана шу ном билан юритилади. Хонтор ёнбағирларида бунёд этилган бу шаҳарчада ҳар куни ҳовли тўйлари ўтказилади. Янги боғлар, ҳиёбонлар, сайр-гоҳлар барпо этилади. Ўқат ўтган йилнинг ўзида шаҳарчада 12,5 минг квадрат-метр турар-жой бинолари, ўнлаб маданий-маиший муассасалар фойдаланишга топширилди. Бу рақам бу йил янада ортади. Тоғлар туташган. Қорадарёнинг йўли тўсилган Советободда совет кишиларининг қон-қардошлиги, метиндек мустаҳкам дўстлиги, биродарлиги янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бу ердаги яратувчилик меҳнати, яшаш ишқи ана шундан далолат бериб турибди.

Т. НАЗИРОВ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Саккиз ойлик топшириғини барвақт адо этган Нина Репина Янгийўл ёғ-мой комбинати ишчи хизматчилари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори Н. Репина.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ВА АҚШ ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

РИГА, 9 август. (ТАСС мухбири). Оқсил химияси ва физикасига бағишланган ҳамда СССР Фанлар академияси билан АҚШ Миллий фанлар академияси ўртасида биологиядаги янги йўналишларнинг бир қанча проблемалари хусусида биргаликда тадқиқот ўтказиш тўғрисида тузилган битим доирасида ўтказилган Совет — Америка симпозиуми 8 август куни ўз ишини тамомлади.

Симпозиум қатнашчилари оқсилнинг химиявий ва фазовий структураси, унинг турли шароитлардаги биологиявий активлик механизми тўғрисидаги тадқиқотларнинг натижаларини бир-бирлари билан баҳам кўрдилар. Шу соҳадаги илмий ютуқларнинг баъзилари амалда қўлланилди, бу эса соғлиқни сақлаш проблемаларини, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари маҳсулдорлигини ошириш, саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаларини ҳал этишга ёрдам берди.

Симпозиумда қатнашган америкалик танишадислар мамлакатимизнинг бир қанча илмий марказларига бориб, совет олимларининг ютуқлари билан танишадилар, лекциялар ўқийдилар.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

ЛАВҲА

Кечки пайт. Офтоб ўзининг олтин сепини аста йиғиштирмоқда. Унинг сўнгги шуъалари йўл атрофидаги ёш ниҳоллар япроғида камалакдек товланади. Ўнг томондаги қафтдек текис майдонда енгил чанг кўтариб культивация қилаётган универсал суза.

Истам бошини кабинадан ярим чиқарганича, далаларнинг ўзига хос латофатини томоша қилиб боряпти. Орадан кўп ўтмай бепоён далалар, экин майдонлари, янги ташкил қилинган кўркам боғлар орқада қолди. Машина икки томонида кўп қаватли муҳташам бинолар қад кўтарган кенг асфальт йўл бўйлаб Янгиерга кириб келди. Шаҳарнинг ҳар қарич ери, ҳар бир биноси унга таниш. Улар Истамнинг кўз ўнгида, аниқроғи унинг иштирокида қад кўтарди. Уларни тиклаш жараёнида кўплаб қурилиш материаллари етказиб берди. У шуларни ўйлаганида ўзининг шоферлик касбидан мағрурланиб кўяди.

...Истам газни босди. Оғир юкли, прицепли машина бир силкинди-ю, йўлга тушди. Кейин тезлигини ошириб, манзил сари елиб кетди. Истам автобазага кириб келганида атроф қоронғилашиб қолган эди. Машинасини белгиланган жойда тўхтатиб, у ёқ — бу ёғини кўздан кечирган бўлди. Қаноат ҳосил қилгач, диспечер хонасига кирди. Диспечер уни узоқ сафардан муваффақиятли қайтиб келгани билан табриклади-да, шошиб-пишиб деди:

— Ҳозиргина саккизинчи совхоздан телефон қилишди. Дренаж қувурлар тутаган эмиш. Тонг билан жўнамасангиз бўлмайди.

— Тонг билан жўнаганда ҳам етказиб бориш қийин. Яхшиси ҳужжатларни тайёрлайверинг, ҳозироқ жўнайман.

— Ҳозир келиб-а?!

— Ҳечқиси йўқ ,дам олиш бўлса қочмас...

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Истам машинасида яна йўлга чиқди. Кабина ичидаги радиони қўйди. Ёқимли куй таралди. У куй сеҳрига берилиб, алланималарни ўйлаб борар, машина эса қоронғиликни ёриб, олдинга интиларди.

Истам Ғаффоров асли тожикистонлик. 1957 йилда шоферлар мактабини битириб, гувоҳнома олаётганида бир группа ёшлар Мирзачўлни ўзлаштириш учун жўнаётганлигини эшитиб қолди. Дўстларидан айрилгиси келмади. «Голодностепстрой» бошқармасига қарашли иккинчи автобазага ишга келди. Автобазадагилар уни даставвал ремонт ишига қўйишди. Истам иш танлаб ўтирмай, бунга рози бўлди. Топширилган ишни аъло даражада бажаришга ҳаракат қилди. Ишга ҳаммадан олдин келиб, кеч қайтишга, иложи борича кўп ишлашга интилди. Бора-бора унинг ишчанлиги бошқаларга манзур бўла бошлади. Кўп ўтмай қўринишидан тортинчоқ йигит тезда тилга тушди. Унга машина беришди. Энди унинг учун меҳнат яна ҳам гаштли, яна ҳам серзавқ ва қизиқарли бўлиб қолди. Ҳар куни чўл бағридаги янги-янги қурилишларга зарур материаллар, эҳтиёт қисмлар ташиб боплади.

Шу кунларда Истам Ғаффоров самарадорлик ва сифат беш йиллигини муваффақиятли якунлаш учун янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қиляпти. Кўрсаткичлари чакки эмас. Юк ташиш топшириқларини доимо ортиғи билан бажаряпти. Тежамкорликка бўлган эътибори катта. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги-янги резервлар қидириб, ишга соляпти. Республика автотранспортчилари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида пландан ташқари 6 миллион тонна юк ташишга аҳд қилган бўлса, бу юксак мажбуриятнинг бажарилишига Истам ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга аҳд қилган. Шу кунларда у 1978 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Республикамиз ўн илғор ишчиси ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун йўл танобини тортаётган Истам Ғаффоров нурли манзиллар сари шошяпти.

М. САИДОВ.

МАЖБУРИЯТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент районининг боғбонларн бир йилда уч йиллик план миқдорида мева, бир ярим йиллик планга тенг узум тайёрлаш, аҳолига кўзда тутилганидан 21 минг тон на кўп сабзавот маҳсулотлари ва картошка армуғон этишга қарор қилдилар.

Районимиз республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг яқинига жойлашган. Шаҳар аҳолисини йил — ўн икки ой сабзавот маҳсулотлари, мева билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпмиз. Кейинги йилларда парниклар, теплица комбинатлари қурилиши авж олдирилмоқда. Бу эса, шаҳарлик биродарларимизни қиш фаслида истеъмолбоп кўк ўтлар, помидор, бодрингга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта роль ўйнамоқда. Айни пайтда, районимизда чорвачилик комплекслари қурилиши сут, гўшт етиштириш, меҳнаткашларни бу маҳсулотлар билан кўпроқ таъминлаш имкониятини бермоқда.

Биз съездлар йилини рекорд ҳосил йилига айлантиришга азму қарор қилганмиз. Фан-техника ютуқларига таяниб, тажрибакор деҳқонларимиз билан маслаҳатлашиб, ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, давлатга бир йилда уч йиллик план миқдорида мева, бир ярим йиллик планга тенг узум тайёрлаш тўғрисида ваъда бердик.

Шу кунга қадар давлат тайёрлов ташкилотларига 35 минг тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари, 10 минг тоннадан зиёд картошка топширдик. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси асосан эртаги, қисман ўртаги экинлардан йиғиб-териб олинган бўлиб, юқори сортларга қабул қилинди. Меҳнаткашларга колхоз ва совхоз сабзавот дўконлари орқали ҳам ўтган йилдагидан анча кўп бодринг, карам, помидор, пиёз, бақлажон, саримсоқ пиёз, кўк ўтлар етказиб берилди. Маҳсулотлар тайёрлаш ва пешма-пеш жўнатиш графиклари мунтазам ошириб бажарилаётир.

Бу йилни ҳақли равишда ширин-шакар мевалар, узумлар етиштириш йили дейиш мумкин. Давлатимиз ёрдами, халқимиз меҳнати, техника қудрати билан боғларимиз, токзорларимизда мева-узумлар мўл бўлди, уларни касалликлар ва ҳашаротлардан тўла сақлаб келмоқдамиз. Ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, давлатга бир йилда уч йиллик план миқдорида мева, бир ярим йиллик планга тенг узум етказиб берамиз деяпмиз. Шаҳарлик биродарларимиз съездлар йилида Тошкент райони хўжаликларидан 10.800 тонна мева, 6.300 тонна узум оладилар. Бу тармоқлар бўйича белгиланган йиллик планлар муддатидан илгари анча ошириб бажарилганига кўп бўлди, юқори сифатли маҳсулотлар топшириш тезкорлик билан давом эттирилмоқда.

Чорвадорларимиз ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Сигирлар сутини ва сут таркибидаги мойни ошириш, қорамолларни 450—500 килограмм тош босадиган қилиб гўштга топшириш, паррандачиликни ривожлантириш йўли билан тухум ва парҳез гўшт тайёрлашни кўпайтириш уларнинг диққат марказида бўлмоқда. Чорва комплекслари қурилишини кенгайтириш, майда, тарқоқ фермаларни бир жойга марказлаштириш, туёқ сонини ошириш, чиқимга йўл қўймаслик, қишловга ташкилий жиҳатдан пухта тараддуд кўриш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг шарафли ишимизга айланди. Съездлар йилида тайёрлов ташкилотларига 9500 тонна сут, 750 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти етказиб бериш чорвадорларимизнинг бурчидир.

Ер — ҳазина, меҳнат — унинг калити, дейди халқимиз. Районимизда ҳалол меҳнатлари билан сабзавот, картошка, полиз экинларидан рекорд ҳосил олиб келаётган, ўзларининг бой тажрибаларини сидқидилдан баҳам кўраётган миришкор деҳқонлар сафи тобора кенгаймоқда. Карл Маркс номли колхознинг Файзи Мираъзамов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари узоқ йиллардан буён районимиздагина эмас, балки Тошкент областимиз, қоларесса республикамизда ҳам картошкадан рекорд ҳосил олмоқда. Унинг издошларидан бошқа хўжаликларнинг машъаллари Тўлаган Маҳмудов, Ислом Баҳромов, Эътибор Ирисбекова, Ваҳоб Юнусов, Жалил Каримов, Наби Эшонов бошлиқ бригадаларнинг сабзаботкор-картошка етиштирувчилари ҳам ҳар йили экинлар ҳосилдорлигини гектар бошига 3-4 тоннадан оширмоқдалар, планлар ва мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш йўли билан ялпи юксалишга эришиш чораларини кўрмоқда. Ярим йиллик ишимизнинг якунлари, айниқса кейинги ойда эришган муваффақиятларимиз юксак социалистик мажбуриятларимизни ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича анча ошириб бажаришимиз мумкинлигидан далолат бермоқда ва биз бунга эришамиз.

Қатта майдонларга жойлаштирилган эртаги экинлар ҳосилини нобуд қилмасдан йиғиб-териб олдик. Ўртаги экинлар ҳосили тезкорлик билан йиғиштирилмоқда. Айни кезда экинлардан бўшаган ерлар шудгорланиб, такрор экинлар экилмоқда, униб чиққанларининг парваришн кучайтирилмоқда. Такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш, меҳнаткашларнинг эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ён қўшниларимиз Оржоникидзе ва Калинин районларининг боғбон-соҳибкорлари ўзларининг кенг ва серҳосил боғлари, токзорларида етиштирилган хилма-хил мевалари, узумларидан Россия Федерацияси меҳнаткашлари, Қозоғистон ғаллакорлари, Сибирь ўрмончилари, Узоқ Шарқ балиқчилари ва бошқа қон-қардош биродарларимизни баҳраманд қилмоқдалар. Бизнинг районимиз боғбон-соҳибкорлари ҳам ана шу йўлдан борib, ўзларининг интернационал бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. **Боғларимиз ва токзорларимизда етиштирилган мевалар, узумларни қардошларимиз билан биргаликда баҳам кўришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.**

Сабзаботчиликда долзарб кунлар бошланди. Ўртаги экинлар ҳосили ғарқ пишди, кечки экинлар ҳосили шира боғламоқда, токзорларда узумлар етилиб қолди. **Бугуннинг муҳим вазифаси — етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, юқори сифат билан тайёрлов ташкилотлари ва истеъмолчиларга етказиб беришдан иборат.** Бунинг учун сабзаботкорлар мусобақасини бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз, бир кунда бир ярим-икки кунлик графикка тенг иш бажармоғимиз зарур бўлади. Фидокор меҳнат аҳли ўз бурчини англаб ишлаяпти, янги узилган сабзавот, полиз маҳсулотлари жўнатиш тобора кўпайтириляпти. Халқимиз Тошкент райони меҳнаткашларидан ўтган йилдагидан анча кўп картошка олади.

Сабзаботчилик-боғдорчиликка ихтисослаштирилган бошқа колхоз ва совхозларда бўлгани каби бизнинг районимиз хўжаликларида ҳам айрим камчилик ва қийинчиликлар содир бўляпти. Жумладан, дўконларга янги терилган помидор, узилган карам ва бошқа маҳсулотлар транспорт етишмаслиги туфайли вақтида етказиб берилмаяпти. Тайёрлов ташкилотлари, хусусан консерва корхоналари маҳсулотларни график бўйича қабул қилишга улгура олмаяпти, меваларни теришда ишчи кучига муҳтожлик сезиляпти. Натижада маҳсулотларнинг бир қисми хирмон жойларда тўпланиб қоляпти. Бу камчиликларни тезкорлик билан бартараф этмоғимиз керак. Халқимиз биздан фақат юқори сифатли, ширин-шакар, узоқ сақланадиган маҳсулотлар кутмоқда. Халқ талабини бажариш бурчимиздир.

Яқин кунларда узум узиш бошланади. Бу иш ҳам ўзига хос чаққонлик, тадбиркорлик талаб этади. Мутахассисларимиз қайси токзорларнинг узумини қачон узиш муддатларини аниқ белгилашлари, қардош республикаларнинг меҳнаткашларига жўнатиш учун темир йўл вагонлари етарли миқдорда ажратилиши лозим. Токлар парваришини кучайтириш орқали мавжуд ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва юқори сортлар билан саноат корхоналари, истеъмолчиларга етказиб бериш соҳибкорларимизнинг шарафли ишидир.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган Тошкент районининг меҳнаткашлари 1976 йилги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

Н. БОИМУҲАМЕДОВ,
Тошкент районидаги Навоий номли колхоз раиси.

З. ЖАЛИЛОВ,
Охунбобоев номли колхоз раиси.

Ғ. АЛИМОВ,
«Ленинград» совхозининг бригада бошлиғи.

П. ПРУДНИКОВ,
«Тошкент» совхозининг бригада бошлиғи.

И. АСАТОВ,
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бош агрономи.

МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА

Пахтачи райони бўйича бу йил 50 минг тонна ем-хашак тайёрлаш мажбурияти қабул қилинган. Жумладан, 15020 тонна сенаж бостириш мўлжалланган. Шу кунгача 15900 тоннадан кўпроқ сенаж бостирилди.

Чорвадорларнинг бу улкан муваффақиятига планларни ортиғи билан уддалашга эришган «Пахтакор», Калинин номли, Киров номли колхозлар катта ҳисса қўшдилар. Район хўжаликларида сенаж бостириш қизғин давом этмоқда.

Х. ЭРГАШЕВ,
Самарқанд области.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Бўстонлиқ районидаги Пском қишлоғини эшитганмисиз? У ердаги баъзи бир ҳийлакор қиғир шахсларнинг?

Пском қишлоғидаги 45-ўрта мактаб қошида кундузги ва сиртқи ўқув-консультация пункти ташкил этилган эди. Пунктда таълим-тарбия ишлари издан чиққан. Ўқитувчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Улар ҳақиқатда ўқишга тортилмаган ўқувчиларнинг исм-фамилияларини журналга киритиб, дарс ўтилди, консультация берилди, деган соҳта ҳужжатлар билан пул олиб келишяпти. Юқори ташкилотларга йўқ ўқувчиларнинг номидан ёзилган ёлғон ёзма (иншо, диктант) ишларни сводкага қўшиб топшириб келмоқдалар...

Редакция юқоридаги мазмунда ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказишни сўраб, Тошкент область халқ маорифи бўлимига мурожаат қилган эди. Редакция яқинда пойтахт область халқ маорифи бўлимидан қуйидаги жавобни олди.

— Ҳақиқатан ҳам Бўстонлиқ районидаги Пском қишлоғида жойлашган 45-ўрта мактаб ҳузуридаги кундузги сиртқи ўқув-консультация пунктида тўпланиб олган бир группа педагоглар қиғир ишининг қийиғи чиқди. Хатда келтирилган фактлар тўла-тўкис тасдиқланди. Текшириш натижалари облОНО Советида кенг муҳокама қилинди. Ўқув-консультация пунктида молиявий-хўжалик ишига путур етказгани, атайлаб соҳта ҳужжатлар асосида иш юритиб, йўқ ўқувчиларни журналга киритиб, кўзбўямачилик йўлига кириб кетгани учун ўқув-консультация пунктининг мудири Т. Шерматов ишдан бўшатилди. 45-ўрта мактаб директори Х. Худойбердиев ўқув-консультация пункти фаолиятида вужудга келган ночор аҳволнинг олдини олишга аҳамият бермаган. Аксинча у имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида қўпол хатоларга йўл қўйгани учун вазифасидан олиб ташланди. Ўқув-консультация пунктининг директори К. Р. Худойбергенов ўз бурчига совуққонлик билан қараб келган. Натижада таълим-тарбия ишлари издан чиққан. Шунинг учун ҳам облОНО Совети уни директорлик лавозимидан бўшатди.

Пойтахт область халқ маорифи бўлими қарори билан Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Тўраев, райОНО бош бухгалтери П. А. Фрик, катта экономист М. В. Бородкиналарга выговор берилди. Улар 45-ўрта мактаб қошидаги кундузги ва сиртқи ўқув-консультация пункти ишидаги жиддий нуқсонларнинг олдини олиш чораларини кўрмаганлар. Аксинча, ҳийлакор ўқитувчиларнинг қиғир ишлари олдида тўмшабин бўлиб келишган.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА МАНБАИ

СОФИЯ. (ТАСС). Болгарияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсатининг асосий масалалари тўғрисида»ги нутқ ва докладларининг икки томлик тўплами чоп этилди. «Земеделско знаме» газетаси бугунги сонида шу тўплам ҳақида босиб чиқарган тақризида қуйидагиларни ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг асарлари коммунистик қоявийлик ва партиявийлик намунасидир. Бу асарларни ўрганиш КПСС бош йўлининг илмий жиҳатдан асослаб берилган изчил ва ҳамиша тўғри йўл эканлигига, Ленин партияси марксизм-ленинизм ҳазинасига буюк ижодий ҳисса қўшиб келаётганлигига ишонч туғдиради.

Л. И. Брежневнинг асарларида, дейилади тақризда, ривожланган социалистик жамиятга хос бўлган янги жараён ва ҳодисалар назарий жиҳатдан умумлаштирилади. Икки томликдаги материаллар совет халқининг иқтисодий қурилишда ажойиб муваффақиятларга эришганлигини яққол кўрсатиб беради. Бу материаллар КПСС кейинги ўн йилликлар мобайнида ўз қарорларини амалга ошириш учун, ўз ишини такомиллаштириш учун эўр ғайрат билан кураш олиб борганлигини, омма билан алоқани мустаҳкамлаганлигини, иш ва турмушнинг янги услубини ишлаб чиқиб жорий этаётганлигини исбот қилади.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 9 август. (ТАСС). 9 августда СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузилган кунга беш йил тўлади. Республика пойтахтида ўтказилган жамоатчилик йиғилиши шу кунга бағишланди. Мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, санъат арбоблари, ўқувчиёшлар совет маданияти уйига тўпланишди. Уй фойесида китоб ва фотосуратлар виставкаси очилди. Бу виставка иккала мамлакат ва икки халқ ўртасида доим кучайиб бораётган кўп қирали ҳамкорлик муваффақиятларини тасвирлайди, улар ўртасидаги дўстона муносабатлар тўғриснда ҳикоя қилади.

Ҳиндистон — Совет маданий жамиятининг президенти К. П. Ш. Менон йиғилишда сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди: Август ойи ҳар бир ҳиндиннг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳиндистон 1947 йил 15 августда мустақил давлат бўлди. Тарихий шартнома ҳам 1971 йилнинг августида имзоланди.

Совет Иттифоқи, деб сўзини давом эттирди у, Ҳиндистоннинг миллий экономикасини вужудга келтириш ва хўжаликнинг энг муҳим тармоқларини юксалтиришнинг ҳамма босқичларида бу мамлакатга ҳақиқатан ҳам бебаҳо ёрдам ва мадад, бериб келди. Совет Иттифоқи халқаро майдонда Ҳиндистонни ҳамиша қўллаб-қувватлади. Мамлакатда СССР билан дўстликни кучайтириш ҳаракати кенгайиб борянти ва неча миллионлаб ҳиндларнинг қалбини қамраб олянти.

Деҳлида шу йиғилиш ўтказилиши билан Ҳиндистонда ҳинд ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ойлиги бошланди. Ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг раиси Д. К. Баруа Совет — Ҳиндистон шартномасини буюк тарихий аҳамиятга молик ҳодиса деб атади. У совет журналистларни билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: мамлакатларимиз тинчлик ва дўстликка астойдил интилмоқдалар. Тинчлик ва дўстлик шартномаларнинг мустаҳкам негизидир. Бинобарин, бу шартноманинг аҳамияти икки давлат ўртасидаги муносабатлар доираси билан чегараланиб қолмай, бутун Осиёда тинчлик ва барқарор вазиятни вужудга келтиришга ҳам ёрдам бераги.

ҲУКУМАТ ПРОГРАММАСИ МУҲОКАМАДА

ЛИССАБОН, 9 август. (ТАСС). Португалия Республикаси мажлисида бош министр Мариу Соареш тақдим этган ҳукумат программаси хусусидаги мунозаралар давом этмоқда.

Португалия Компартиясининг вакили Жозе Виториану ўз нутқини меҳнат муносабатлари масалаларига бағишлади. Ҳукумат, деди у, меҳнаткашларнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга ваъда берди. Бироқ коллектив меҳнат шартномалари тузиш ва ишдан бўшатиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни одилона ҳал этиш учун конкрет чоралар кўрилиши зарур. Коммунист — депутат йирик саноатчилар ва заминдорларнинг ташкилотлари ўз ҳуқуқларини қайта тиклашга уринаётганликларини ўқтириб, кўпгина корхона эгалари меҳнат министрлигининг пассивлигидан фойдаланиб, коллектив меҳнат шартномаларини бажаришдан бош тортмоқдалар, деб таъкидлади.

Нотиқ социал таъминот, страхование ва соғлиқни сақлаш масалалари хусусида гапирганда, Португалия конституциясига мувофиқ социал таъминот системаси меҳнаткашларнинг қўлаб-қувватлаши ва иштироки билан вужудга келтирилиши кераклигини айтди.

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ «ШКОДА»

ПРАГА. Млада-Болеслав шаҳридаги автозавод конвейеридан «Шкода 105/120» деган янги моделда биринчи енгил автомашина чиқарилди. Янги машина кучли двигатели, кузов шаклининг яхшиланганлиги, салоннинг қулай ва шинамлиги билан аввалги машиналардан фарқ қилади.

Млада-Болеслав «Шкода» заводи «Чехословакия автомобиль заводлари» бирлашмасининг асосий корхонасидир. Бу корхона кейинги ўн йил мобайнида 1,5 миллиондан кўпроқ енгил машина, оғир юк машиналари ва автобуслар ишлаб чиқарди.

(ТАСС, 9 август).

Италияда турар-жой қурилишида кризис кучайиб бормоқда. Матбуотнинг таъкидлашича, қурилиш материаллари баҳосининг ошиб бориши бунга сабаб бўлаётир.

Айниқса йирик шаҳарларда шароит оғирлашди. Турар-жой қурилишининг нормал ривожланишига айрим хусусий қурилиш компанияларининг чайқовчилик фаолияти ҳалақит бермоқда. Фойда кетидан қувиб, улар кўпинча мавжуд қоидаларни бузган ҳолда уй-жой қурмоқдалар. Суратда: Рим районларидан бири аҳолиси ана шу оғир шароитга қарши норозилик билдирмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ИСПАНИЯДАГИ АҲВОЛ

МАДРИД, ТАСС махсус мухбири А. Красиков хабар қилади: Испания пойтахтида сиёсий арбобларнинг учрашувлари давом этмоқда. Бу учрашувларда диктатурадан демократик тартиб-қоидаларга ўтиш йўллари ва воситалари муҳокама қилинмоқда.

Сўл, марказчи ва ўнг либерал партиялар вакилларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида ҳукумат билан бўладиган мулоқот шартлари, конституцияга киритилиши лозим бўлган ўзгартишларнинг характери, мамлакатнинг бўлажак олий қонун чиқарувчи органига ўтказиладиган сайлов тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидалари кўриб чиқилди. Кенгашда, жумладан, Коммунистик партия, Социалистик халқ партияси, Демократик партия, Халқ партияси ва бошқа баъзи партияларнинг, шунингдек Испания социал-демократик иттифоқининг вакиллари, бир неча партиясиз арбоблар ва ҳукумат раиси Адольфо Суаресга яқин турган доираларнинг 2 вакили иштирок этди.

Амнистияга мувофиқ қамоқдан чиққан собиқ сиёсий маҳбуслар — коммунистлар Мадридда матбуот конференцияси ўтказиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг дудмаллиги тўғрисида гапирдилар. «Дудмаллик шундан иборатки, биз озодликка чиққан бўлсак ҳам, аммо аввалги айблар билан яна исталган пайтда қамоққа олинишимиз мумкин, чунки бизнинг сиёсий фаолиятимизни жиноят деб эълон қилган қонунларнинг биронтаси ҳам ҳозиргача бекор қилингани йўқ», — деди жумладан, Испания Компартияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг аъзоси Симон Санчес Монтеро.

ҲУНТА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 9 август. (ТАСС). Чили ҳарбий хунтаси ўз ёвузликларининг жаҳон афкор оммаси кўз ўнгида яна фош бўлишидан чўчиб БМТ инсон ҳуқуқлари комиссияси шу мамлакатдаги аҳволни текшириш учун тузган махсус иш группаси аъзоларининг Чилига киришига йўл қўймаслик мақсадида турли найрангларни ишга солмоқда. Хунта шу группа аъзоларига мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ва гражданлик эркинликларининг аҳволи тўғрисида маълумот беришдан ҳам бош тортмоқда. Бу эса группанинг Чилидаги аҳвол тўғрисида доклад тайёрлаш соҳасидаги ишни жуда қийинлаштирмоқда. Бу доклад БМТ Бош ассамблеясининг XXXI сессиясида муҳокама қилиниши керак.

БМТ инсон ҳуқуқлари комиссиясининг ва махсус иш группасининг раислари билан Чили хунтаси ўртасидаги ёзишмалар бу ерда эълон қилингандан кейин шу нарса маълум бўлиб қолди. Шу ёзишмаларга қараганда, жумладан, БМТ инсон ҳуқуқлари комиссияси иш группасининг аъзолари Чилига келган тақдирда хунта халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларига хилоф равишда уларнинг хавфсизлигини гарантиялашдан бош тортмоқда.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Ливанда кескин вазият ҳукм сурмоқда. Ўнг христианларнинг корчалонлари мамлакатда ўт очишни тўхтатиш ва аҳволни нормаллаштириш йўлидаги ҳамма ҳаракатларни барбод қилмоқдалар. Қон тўкишни тўхтатиш ва Ливандаги аҳволни сиёсий бартараф этишга кириш йўлларини қидириш учун тузилган олий Ливан — Фаластин комитетининг мажлиси ўнгларнинг айби билан яна ўтказилмай қолди.

Ливаннинг ҳамма фронтларидаги ўнгларнинг тўхтовсиз давом этаётган сиёсий ифвогарликлари сабабли шиддатли жанглар бўлиб турибди. Яқинда Байрутнинг Набаа районини босиб олган ўнг христиан кучлар бу ерда безориларча ўрнашиб ва хунрезлик қилдилар. Шу районнинг ўн мингдаг аҳолиси ўз уйларини ташлаб қочишга ва Ливан пойтахтининг бошқа районларидан бошпана қидиришга мажбур бўлди.

Фаластинлик қочоқларнинг қамал ичида турган Телл-Заатар лагеридаги юзлаб ярадорлар, шу жумладан аёллар, кексалар ва болалар ҳамон нажот кутиб туришибди. Ўнгларнинг қуролли ифвогарликлари сабабли халқаро Қизил крест уларни лагердан кўчириб олиб кетишни тўхтатишга мажбур бўлди.

(ТАСС).

Покистонда нефть қидириш ишлари

КАРОЧИ, 9 август. (ТАСС). Совет геологлари шимоли-ғарбий чегара вилоятидаги Тут деган жойда нефть конини очиб бердилар. Бу ердаги нефть қудуғи ишлай бошлади. Ҳозир бу нефть булоғида ишлаб турган учта кон-қудуқ ҳар кеча кундузда жами 2.200 баррель (1 баррель 159 литр) хом нефть бериб турибди.

Покистон ҳукумати мамлакатда нефть ва газни жадал қидириш программасига катта аҳамият беряпти. Ҳозиргқ молия йилида шу ишга 420 миллион рупия ўрни аввалги молия йилидагига қараганда 3 баравар кўп маблағ ажратилган.

Нефть ва газ саноатини ривожлантириш билан шуғулланувчи давлат кооперацияси мутахассисларининг фикрича яқин бир неча йил ичида мамлакат етарли миқдорда нефть қазиб оладиган бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор. Шу вақтгача Покистон ўз валюта тушумларининг учдан бир қисмигача бўлган маблағни ҳар йили чет мамлакатлардан нефть сотиб олишга сарфлаб келмоқда.

МАОЧИЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ҒАЛАМИСЛИКЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Мао Цзэ-дун группаси Хитой ичкарисида ўзининг халққа қарши, социализмга қарши сиёсатини ўтказиб, шу билан бирга социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қутуриб ҳужум қилмоқда.

Маочиларнинг МХРПга, Монголия Халқ Республикасига қарши мафкуравий хуружлари кейинги йилларда айниқса кучайтирилди, деб ёзади «Унэн» газетаси. Тухмат, бўҳтон, тарихий воқеалар ва фактларни сохталаштириш одат тусига киритилди. Пекинда эълон қилинган «Дунёнинг географик атласи» хусусидаги шарҳларда 1921 йилги Монголия халқ революцияси тўғрисида бир сўз ҳам айтилмаган. Бунинг устига, Монголиянинг ўзи гўё азалдан Хитойнинг тарихий территория қилиб кўрсатилган. Бу фактлар Хитойда ўзларини замонавий империторлар деб ҳисоблаётган, дунёга ўтмишдаги улуғлик, миллатчилик ва гегемонизм назари билан қарайдиган кишилар борлигидан далолат беради.

1976 йил 4 февраль куни «Гуаньминь жибао» газетаси туҳматдан иборат мақола эълон қилди. Бу мақолада Пекиндаги мафкуравий ғаламислар МХРнинг социализм қурилишидаги ютуқларини йўққа чиқаришга уринган кўрдилар. Хитойнинг шу газетаси даъво қилишича, гўё монгол халқининг миллий маданияти, тили йўқ эмиш, унинг китоб нашриёти ва давриқ матбуоти ҳам йўқ эмиш. Бу бўҳтон маочиларнинг энг реакцион империализм кучлари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганликларини ва социализмга душман эканликларини равшан кўрсатиб турибди.

ХХР билан давлатлараро муносабатларни ривожлантириш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб келаётган МХРП ва МХР Мао группасининг халққа, социализмга зид йўлига қарши бундан буён ҳам кескин кураша беradилар. Марксизм-ленинизмга, социалистик ҳамдўстликнинг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини ҳимоя қилиш, империализмга қарши бўлган ҳамма кучларнинг отрядларини жипслаштириш интернационал манфаатларига чексиз садоқат туйғуси ана шунга тақозо қилади, — деб таъкидлайди «Унэн» газетаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПАРИЖ

Франциядаги уч компаниянинг вакиллари Парижда ядро электр станциялари учун иккита реакторни Жанубий Африка Республикасига ўтказиб бериш ҳақидаги битимни имзоладилар.

Бу битимнинг тузилиши Франция демократик жамоатчилигини қаттиқ газаблантиради. Демократик жамоатчилик ирқчилар режими билан ҳамкорлиннинг кенгайтирилишига қарши норозилик билдирмоқда.

◆ КАРАКАС

Венесуэла Компартияси 1-миллий конференцияси ўтказилганининг 39 йиллиги яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан Венесуэла Компартиясининг Бош секретари Хесус Фариа мамлакат халқига табрик билан мурожаат қилди. У айтдики, Компартия Маркс—Ленининг ўлмас таълимотига амал қилиб, демократик эрқинликларни ва мамлакатнинг мустақил тараққиётини узил-кесил ёқлаб чиқмоқда, Венесуэла меҳнаткашларининг турмуш шароитини яхшилаш учун тинмай кураш олиб бормоқда.

◆ ДЕҲЛИ

Ражастхан штатининг ҳукумати шу молия йилида уй-жой қуриш ва шаҳар тараққиётининг эҳтиёжлари учун 32 миллион рупияга яқин маблағ сарфлайди. Штатнинг бош секретари М. Мукержи яна қуйидагиларни хабар қилди: шаҳарларни обод қилиш ва атроф муҳитни муҳофаза этиш чоралари учун 3,2 миллион рупия ажратиб берилади. Ўтган йили Ражастханнинг йирик шаҳар ва саноат марказлари атрофидаги районларда уч мингта янги уй-жой биноси қад кўтарди.

(ТАСС).

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ТАСС

ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕНЗИН

Гурьев нефтни қайта ишлаш заводининг коллективи (Қозоғистон) истеъмолчиларга давлат Сифат белгиси қўйилган тоза бензининнинг дастлабки туркумини жўнатди. Эндиликда корхона ўз маҳсулотининг тенг ярмисини фахрли беш бурчакли белги билан чиқармоқда.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси туфайли бундай муваффақиятга эришилди. Бу система нефтни қайта ишловчилар ижодий изланишларини рағбатлантирадиган бир қанча тадбирларни кўзда тутади. Завод коллективи беш йиллик охирига қадар Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини учдан бир ҳисса кўпайтиришни мўлжаллаб турибди.

ОЛИМЛАР ТАВСИЯСИ АСОСИДА

«Латвсельхозтехника» Даугав Пилс район бирлашмаси шошилинч буюртма — ўт талқонига дилудин қўшишда ишлатиладиган қурилмаларни тайёрлашга киришди.

Маълумки, витаминли ўт талқони узоқ вақт сақланганида коротин озуқа моддаларини 60-70 процентгача йўқотади. Латвия ССР Фанлар академияси органик синтез институтининг олимлари ҳашакда каротин моддасини сақлаш учун дилудиндан фойдаланишни таклиф этдилар.

Латвия қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг ходимлари органик синтез институти ходимлари билан биргаликда шундай установка яратдиларки, ўт талқони тайёрлаш чоғида унинг ёрдами билан талқонга доривор қўшиладиган.

ИККИ БАРАВАР КЎПАЯДИ

Янги плазма установкаси ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини беш баравар оширади. Ана шундай машиналар туркуми Степанаван (Арманистон) юқори частотали электр ускуналари заводида тайёрланди. Янги аппарат металларни, диаметри 160 миллиметргача бўлган трубалар ва юмалоқ прокатларни қирқади. Установка автоматик система билан таъминланганки, бу бутун иш жараёнини аниқ маромга солиб туришни таъминлайди.

Корхонада тайёрланаётган аппаратлардан машинасозликнинг кўпгина корхоналарида кенг фойдаланилмоқда. Учинчи беш йилликда заводни қайта қуришни тугатиш мўлжалланмоқда, бу — маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имкониятини беради.

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН

Қирғизистондаги Қораболта саноат комбинатининг коллективи Қозоғистон чорвадорларига йил бошидан буён мингинчи кўчма чўпон уйини жўнатди. Йил бошидан буён уйларнинг йиғиш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 15 процент ўсди.

Каспий бўйи, Тўрғай дашти, марказий Тянь-Шань районларига йил охирига қадар шунча қулай уйлар жўнатилади. Корхонанинг бошқа маҳсулотлари: иссиқ ўтов, эгар, брича ҳам чорвадорлар томонидан кўплаб талаб қилинмоқда. Бу маҳсулотлар Қораболтадан мамлакатнинг ҳамма жойларига юборилади.

Комбинат эндиликда қишлоқ меҳнаткашларига ўтган беш йилликнинг биринчи йилидагига нисбатан қарийб икки баравар кўп маҳсулот жўнатмоқда.

БОҒБОНЛАРГА ЁРДАМ

Горячкин номидаги (Москва) Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги илмий-текшириш институтининг мутахассислари ПСМ-55 маркали мева йиғиштириб оладиган машина конструкция қилдилар. Бу машина учта агрегатдан иборат. Иккита ўзнюрар секция мева ушловчи ламаси билан дарахт атрофини ўраб олади. Т-25 маркали тракторга монтаж қилинган вибратор дарахтнинг шохларини қамраб олиб, силкийди. Уч-тўрт сонунд ичидаёқ мева тутгичларга тушаверади.

Машина бир соат ичида 25 туп дарахтнинг меваси йиғиштириб олади, яъни 40-50 кишининг ишини бажаради.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

САРИЁҒОЧДАГИ 30-ҚИШЛОҚ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«К-700» маркали трактор машинистлари, янги маркадаги комбайнларнинг комбайнчи-тракторчиларн. Ўқиш муддати уч ой; чорвачилик фермалари ускуналарининг слесари. Ўқиш муддати—олти ой; учинчи классли тракторчи-машинист, слесарлик маланкаси билан шофер. Ўқиш муддати — 1 йил; бульдозерчи-грейдерчи, ошпаз-кулинар, сантехника техникасини ремонт қилиш бўйича слесарь, кенг профилдаги тракторчи-машинист, дурадгор (қурилишда). Ўқиш муддати — 2 йил; кенг профилдаги тракторчи-машинист, дурадгор (қурилишда). Ўқиш муддати — 3 йил.

Учинчи, ўн биринчи синфларни тугатган ва Совет Армияси сафидан запасга қайтган шахслар учун қисқа муддатли курслар ташкил этилади. Ўқиш муддати — 8 ой.

Икки ва уч йиллик курсларга 15 ёшдаги саккизинчи синф маълумотидаги ёшлар қабул қилинади, бир йиллик курсларга эса 17 ёшдаги еттинчи синф ва ундан юқори маълумотдаги ёшлар қабул қилинади.

Билим юртида кечки мактаб ишлаб турибди.

Ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ўрта мактабларни битириб чиққан ўқувчилар текин овқатланиш билан бирга стипендия ҳам оладилар.

Уч йиллик курсларни битириб чиққан ёшларга ихтисосни эгаллаш билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ҳам берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техникумларга кириш учун йўлланма берилади.

Ариза кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, қисқа автобиография, яшаш жойидан ва оилавий аҳволи ҳақида справка; туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, охирги ишлаб турган жойидан (ўқиб турган еридан) характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см ҳажмда).

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Чимкент область, Сариёғоч шаҳри. 30-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти (транспорт — Тошкентдан: «Тошкент — Сариёғоч» автобуси, «Тошкент — Ченгелди» шаҳар атрофи поезди, Сариёғоч бекати)

АКМАЛ ИКРОМОВ НОМЛИ ПИСКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЕШЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Улар ўқишни битириб аттестат ва кенг ихтисосдаги тракторчи-машинист дипломи билан бирга ҳаваскор шофёрлик гувоҳномаси ҳамда қуйидаги қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўйича ҳужжат оладилар.

Кенг ихтисосдаги тракторчи-машинистлар, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчилари, чорвачилик фермаларя механиклари, комбайнчи-механиклар, 3-класс тракторчилари.

Уч йиллик группада ўқиётган ўқувчилар билим юртининг йўлланмаси билан олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар. Шунингдек улар ўқиш билан бир даврда 4 йил муддатга Совет Армиясига чақирилишдан озод бўладилар.

9—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН 17—40 ЕШДАГИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Бир йилликни битирган талабалар қуйидаги мутахассисликка эга бўладилар: 3-класс тракторчилари, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчилари, комбайнчи-механиклар, асаларичилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ИШГА ЎЗ ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Ўқувчилар ўқиш давомида ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, кийим ва стипендия билан таъминланадилар.

Хўжаликлар йўлланмаси билан юборилган ўқувчиларга шу хўжалик томонидан маълум миқдорда моддий ёрдам ҳам берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўқишга юборилганликлари ҳақида колхоз ёки совхоз маъмуриятининг йўлланмаси, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, оилавий аҳволи ҳақида ҳужжат, соғлиги ҳақида медицина справкаси (286-форма), таркиман ҳоли, директор номига ариза, 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат, характеристика.

Бизнинг адрес: Пискент шаҳри — 15-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти. Телефонлар: 4-83, 2-16, 1-20.

ТОҒ СУҚМОҚЛАРИДА.

М. Штейн фотоэтюди.

УВОБСОЙ ОРОМГОҲЛАРИ

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР ТЎҒРИСИДА

Қуюқ дарахтлар билан қопланган сойда ғорн садоси янгради. Ўйноқи сой бўйлари, ёнғоқзор майдонлар гавжум. Бу йил етти минг 120 нафар эркатой Жиззах оромгоҳларидаги 14 та пионер лагерида кўнгилли дам олади.

Қўриқ Жиззах областида бепоён чўл ва адрлар билан бирга саратонда ҳам баҳор чиройини тарк этмайдиган оромгоҳлар анчагина. Шу сабабли бу йил областда лагерлар сонини ўтган йилгидан учтага, дам олувчилар сонини эса салкам 2,5 минг нафарга кўпайтириш тадбирлари белгиланган эди. Жиззахдаги Увобсой, Форишдаги Осмонсой, Зоминдаги Ўриклисой, Бахмалдаги Тераклисой сингари оромгоҳлардаги пионер лагерларини кенгайтириш, ободонлаштириш, жиҳозлаш учун кўплаб маблағ сарфланди.

Хушҳаво тоғ ёнбағирларида жойлашган «Космос», «Кооператор», Зоминдаги «Ёшлик», Жиззахдаги Х. Олимжон, Гагарин номли пионер лагерлари областнинг турли бурчакларидан келган болаларни пухта ҳозирлик билан кутиб олди. Марокли ҳордик учун зарур бўлган барча шароитлар муҳайё этилди.

Биз Жиззах колхозлараро Х. Олимжон номли пионер лагеридамиз. Унинг ташкил топганига қарийб йигирма йил бўлган. Шу давр ичида лагерда дам олувчилар сони ўн баробар ошди. Жиззах ўрмон хўжалиги участкаси коллективининг кучи билан янги чиноръор, ёнғоқзор, гулзор, арчазор, теразор, олмазорлар ташкил этилди. Тоғ ёнбағирлари пиллапоя усулида боғ ва токзорларга айлантирилди. Лагерь ободонлаштирилди ва шароити яхшиланди. Энг муҳими, тарбиячи ва вожатийларнинг тажриба ва маҳорати ошди. Лагерга 16 йиллик педагогик стажга эга бўлган Йўлдош Кўзиев директорлик қилиб келади.

Колхоз правлениелари оталиқ ёрдамни кучайтириб, кўплаб маблағ ажратмоқдалар. Бу йилги мавсумга 43 минг сўм ажратилган. Бу маблағнинг 16 минг сўмига турли жиҳозлар олинди. Бир қисми янги қурилишларга сарфланмоқда. Колхозлараро қурилиш трестининг А. Эргашев бошлиқ кўчма колоннаси қурувчилари яна иккита янги павильон қуришни тугалламоқда.

Қўшни Гагарин номли лагерь санаторий типида ишлайдиган намунали лагерлардан ҳисобланади. Замонавий сув ҳавзаси қурилиши тугалланяпти. «Ветерок» типидаги 750 ўринли ошхона қайта жиҳозланди. Иккита павильон қурилмоқда. Бу тадбирлар лагерда дам олувчиларни яқин вақт ичида яна икки баравар ошириш — ҳар сменада етти юз нафар пионернинг дам олишига эришиш имконини беради. Бу соҳада Жиззах қурилиш материаллари комбинати кўрсатаётган оталик ёрдамини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу ерда ҳар бир кун зўр қувонч билан ўтади. Кунора кинофильм намойиш этилади. Врач ва медицина ҳамширалари болалар соғлиғига кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Мусобақалар, ҳаваскорлик тўгарагининг чиқишлари уюштирилади. Лагерь маъмурияти қўшни «Дўстлик» лагерини оталиққа олган.

Лекин савдо ташкилотлари пионер ёзини ҳар йилгидек, бу йил ҳам кўнгилдагидек кутиб олишмади. Лагерларда ғорн йўқ. Пионер байроғи уч йилдан бери топилмайди. Бадиий адабиётлар, кўргазмали агитация учун қаҳрамонлар ва қаҳрамон комсомолларнинг портретлари, вожатий китоблаои ва улар учун қўлланмалар етишмайди.

— Пионер ёзи ғоят масъулиятли мавсум, — дейди бош пионервожатий В. Смуглова.— У аҳил, ишбилармон коллективнинг пухта тайёрлик кўришини талаб этади. Лекин бизда кадрлар масаласи муаммолигича қолаяпти. Натижада кўпгина идораларнинг шошилинч аралашуви билан кадрлар пала-партиш, зўрма-зўраклик билан комплектланади. Бунинг устига шаҳар ташкаридаги лагерларда ишловчилар учун ҳеч қандай имтиёзлар берилмайди. Улар билан мунтазам семинарлар ўтказиб, илғор тажриба ва янгиликлар етказиб турилмайди. Лагерлар учун бинолар қурилаётганда ҳам лагерь мутахассислари фикри ҳисобга олинмайди.

Вожатийнинг гапида жон бор. Икки йилдирки, шу каби сабаблар туфайли областда пионер мавсуми муддатидан кечикиб бошланмоқда. Ғаллаорол районида иккита, Зомин районида битта лагерь мавсумга тахт қилинмаганлиги сабабли пионерларни ўз вақтида қабул қилолмади. Ғаллаорол, Ҳошемов, Форишдаги «Голубой огонёк», Зоминдаги «Октябрь 50 йиллиги», «Дустликсовхозстрой» трестига қарашли «Дўстлик» пионер лагерларида пионер ёзи пухта тайёрланмаган ҳолда бошланди. Бу лагерларда ремонт ўз вақтида тугалланмади, спорт майдончалари созланмади.

«Дўстлик» лагери 120 ўринга 95 болани қабул қилди, ҳолос. Бу ерда электр энергия масаласи ҳал этилмаган. Овқат тайёрловчилар санитария дафтарчаларига эга эмас. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш гигиена талабларига жавоб бермайди.

Болалар келажагимиз. Улар учун ҳар қанча ғамхўрлик қилсак арзийди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АВТОМАТ БОШҚАРАДИ

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда иккита теплица қуриб битказилди. Ҳар бир теплица майдони бир гектарга боради. Қурувчилар ёпиқ жойда сабзавот етиштириш учун яна тўртта ана шундай бино қуриб бераднлар. Теплица комбинати келгуси йилнинг ўзидаёқ дастлабки маҳсулот етказиб беради.

Бу теплица хўжалиги заводда тайёрланган енгил конструкциялардан барпо этилмоқда. Лекин унинг асосий хусусияти шуки, «Узгипросельстрой» институтининг лойиҳачилари бу ерда автоматика ва телемеханиканинг энг янги ютуқларидан кенг фойдаландилар.

Бу ерда сув билан ишлаш системаси ўрнига махсус газ камералари қўлланилди. Вентиляторлар ёрдамида бинога таркибида муайян миқдорда карбонат ангидрид газ бўлган иссиқ ҳаво киритилади. Бу эса ўсимликларнинг яхшироқ ўсишига ёрдам беради. Температурани ва карбонат ангидрид газининг миқдорини белгиланган программа асосида ишловчи автомат қурилма тартибга солиб туради.

Марказлаштирилган бошқарув биринчи марта амалга оширилди. Диспетчер пультда кнопкани босиб сув оқизади. Асбобларга қараб теплицанинг ҳар бир блокида ҳаво намлигини аниқлаш ва сув миқдорини зарур пайтда камайтириш ёки кўпайтириш мумкин. Диспетчернинг бир ўзи 23 нафар ишчи ўрнида ишлаб, бутун катта теплица хўжалигини бошқариб туради.

Автоматлаштирилган бошқарув бўлган теплица 4 ой ичида ўзини оқлайди, сўнгра эса хўжаликка фойда келтира бошлайди.

(ЎзТАГ).

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ЖАСУР ЙИГИТЛАР

Республика яйлов, мелиорация-қурилиш бирлашмасининг Бухоро қурилиш монтаж бошқармаси пармаловчиси Шавкат Отауллаевич Гирфанов яқинда Симферопольдан полкдоши Л. Карташевдан хат олди.

«Мен ўқчи дивизиямизнинг қаҳрамонона йўли тўғрисидаги материалларни тўпламоқдаман. Кўпгина нарсаларни билишга муваффақ бўлинди. Яқинда мен 252-полк офицери, майор Евгений Петровни топиб олдим. У ҳозир Калинин областидаги Удомельский районида колхоз раиси. Ундан сенинг қаердалигингни билиб олдим, жанговар ўртоғим».

Бу мактуб Ш. Гирфанович ғоят қувонтирди. Ахир у ҳам қуролдош ўртоқларини узоқ вақтдан бери изларди. Дўсти Лёнка Карташевни ҳам изларганди:

Шавкат Отауллаевич полкдошларидан кўплаб хатлар олиб турарди. Мана ўша хатлардан тагин бири.

«Қадрли Шавкат!

Мен армия фронт газетаси «За счастье Родины» газетасининг 1945 йил 19 март куни чиққан сонини архивдан қидириб топдим. Газетанинг бу сони Коббелбуд станциясини (Германия) олганимизда кейин тез орада чиққан эди. Газетанинг ана шу сонидан Е. С. Петровнинг мақоласини топиб олдим. Сенга бундан анча илгари бўлиб ўтган лекин унутилмас воқеани эслатай деб, мақоланинг бир қисмини кўчириб олдим. Ана шу парчаларни ёзиб юбормоқдаман: «Партия ташкилотчиси Гирфанов жанг арафасида, кечаси партия йиғилиши ўтказди. Навбатдаги жангда коммунистларнинг авангардлик роли тўғрисидаги доклад тингланди. Агитаторлар ана шундан кейин траншеяларда навбатдаги операциянинг алоҳида хусусиятлари ва қийинчиликлари тўғрисида суҳбат ўтказишди. Александр Матросовнинг жасоратини такрорлаган бўлинма қаҳрамони Виркога жангда муносиб бўлишга чақирувчи «жанговар варақалар» чиқарилди. Ўша жанг эсингдами? Петров қўмондонлигидаги жангчилар сенинг чақиригинг билан атакага киришди. Немислар ҳужумга бардош беролмай, станциядан чекиндилар, бу станция йўлида ҳарбий аниҳомлар ортилган 220 та вагон турарди...».

— Ҳа, бу жанг эсимда. Бошқа юзлаб жанглар сингари ёдимда, — дейди Шавкат Отауллаевич, — ахир, социалистик Ватанимиз учун бўлган оғир ва мушкул жанг кунларини унутиб бўладими.

Ш. О. Гирфанов немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун биринчи ва иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари, «Қизил Юлдуз», учинчи даражали «Шуҳрат» орденлари, ўн иккита медаль билан мукофотланган.

Уруш ветерани ҳозир ибратли меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Планларни, ой сайин ортиғи билан бажармоқда. У корхонанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашади. Коммунистлар уни партия бюросига, Бухоро шаҳар партия комитети аъзолигига сайлаб, юксак ишонч билдирдилар. Уни ёш ишчиларнинг ажойиб мураббийси сифатида ҳам танишади. Шавкат Отауллаевич — фабрика ва заводларда, мактаб ва ўқув юртларида тез-тез меҳмон бўлиб туради. Уни комсомол йиғилишларига, пионерларнинг сборларига, ёш изтопарлар клубларининг мажлисларига таклиф қилиб туришади.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

ФАРҒОНА. Аввал қишлоғи йилдан-йилга обод бўлмоқда. Яқинда қишлоқдаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш техникуми олдида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди. Район меҳнаткашларининг вакиллари, техникум педагог ва студентларидан иборат қарийб икки минг киши иштирокида ҳайкал очилишига бағишлаб катта митинг ўтказилди. Митингга йиғилганлар ленинчасига ўқиш, ишлаш ва яшашга сўз бердилар, доҳий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Д. АБДУРАҲМОНОВ.

Таълим-тарбия мавзуида

ОНА МЕҲРИ

Она. Бу уч ҳарфдан иборат сўзнинг қудрати шунчалик улуғки, у инсонга маънавий лаззат, ғўзаллик, роҳат-фароғат бахш этади. Она мўътабар, она довюрак ва фидокор. Унинг ҳамиша меҳраси очиқ, бағри кенг, қалби сахий ва саҳоватли. Дунёда она меҳри-муҳаббатидан ҳам муқаддас, жўшқин туйғу йўқ.

— Ҳозирги оналар ва оталар, — деган эди атоқли педагог А. С. Макаренко, — болаларни тарбиялаш билан малакатимизнинг келажак тарихини, бинобарин, жаҳон тарихини тарбиялайдилар...

Она тарбиячи, мураббий, дедик. Унинг болаларга, айниқса, жажжи ўғил-қизларга таъсири ҳар дақиқада зарурдир. Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Оминахон ая Жамолова ўз фарзандларини кўз қорачиғидек асраб, авайлаб, жамиятимизга муносиб кишилар қилиб тарбиялямоқда. Унинг қизлари Мастурахон ва Маъсудахонлар меҳрибон онасининг бағрида олган таълим-тарбияси, хулқи-одоби билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматли гап бор. Оминахон ая ўнта фарзандини бир-биридан меҳнатсевар, жонқуяр қилиб вояга етказган экан, бунда албатта онанинг ибрат кучи, сабр-бардоши катта роль ўйнаганлигини таъкидлаш керак.

Атияхон Муқимова, Сарбархон Ғаффоровалар оиласини Наманганнинг эски шаҳар даҳасида кўпчилик яхши танийди. Сарбархон тўқиз фарзандинг онаси. Унинг ўғил-қизлари ғоят одобли, меҳнатсевар бўлиб ўсмоқдалар. Бу ўринда оиланинг аҳил-иноқлиги, баркамоллиги катта аҳамиятга эга. Сарбархон илму-ҳунарда ҳам илғор. У шаҳардаги 10-мактабда математикадан дарс беради.

— Кундалик ҳаётдаги ҳар қандай майда-чуйда нарсалар, воқеалар ҳам болаларнинг тарбиясига маълум даражада таъсир этади, — дейди у, — чунки болалар ёшлигида ҳам тақлидчан, ҳам талабчан бўладилар. Шунинг учун ота-она ибрати фарзандлар тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

...Эрта баҳор эди. Ўқув йилининг сўнгги чораги давом этарди. Биз мактабда бўлганимизда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўқувчи қизлардан бири кўйлагига сиёҳ тўкиб юборди ва ҳўнграб йиғлай бошлади. Унинг атрофига тўпланган болалардан бири: «Вой тентагей, сиёҳнинг кичик бир доғи учун шунча кўз ёши қиласанми? Мен кеча йиқилиб, тиззамни қонатиб олдим. Лекин шунда ҳам йиғлаганим йўқ» деди. Қизча бўлса кўзларидаги жиққа ёшни арта туриб: «Бу кўйлакни ойим кечаси уйқудан қолиб тикиб чиққан эди. Мен ойимнинг меҳнатини, унинг кўз нурини қадрлашим керак» деб жавоб қилди.

Бу воқеани кузатиб турган педагог Сарбархон Ғаффорова навбатдаги тарбиявий соатни ана шу темага—ота-оналар меҳнатини қадрлашга бағишлади. Коммунистик тарбия, ахлоқ-одобнинг энг ажойиб хусусиятларидан бири ҳам ота-оналарга, ўзидан катталарга иззат-ҳурматда бўлиш, уларнинг меҳнатини қадрлашдир.

Мактаб партия ташкилоти ва педагоглар коллективи таълим-тарбиянинг ана шундай муҳим қирраларига катта аҳамият бермоқдалар. Улар айрим қолоқ ўқувчиларнинг билада қандай тарбияланаётганлигини ўрганиб, айрим ота-оналар болаларга ҳаддан ташқари эрк бериб қўйганликларига дуч келдилар. Бу эса ўсмирларнинг талаблари ҳаддан ошиб кетишига, улар ота-оналар ва мактаб олдидаги ўз бурчларини унутиб қўйишларига олиб келади.

Она—азиз, бола ҳам азиз. Шу боисдан, ҳар бир она ўз фарзандининг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятларни ишга солади. Уларни коммунистик жамиятимизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашга интилади. Фарзандлар эса онанинг шу улуғвор меҳнати ва меҳр-муҳаббатини ҳурмат қилишга даъват этилганлар.

С. АКМАЛОВА,
Наманган Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30 Концерт. 11.00 — Кичик комедиялар (телеспектакль). 12.00 — Концерт. 15.10 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Совет қонунчилигининг асослари. 16.15 — Объектив. 16.45 — Телеочерк. 17.15 — **Қувноқ воқеалар** (бадиий фильм). 18.30 — Ешлар спартакиадаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Кичик концерт. (музикали фильм). 19.35 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 20.35 — **Привалов миллионлари** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Баллар, қизлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.50 — Ганделупа мамлакатининг маркаси (телеспектакль). 13.00 — Янгра, барабан. 13.30 — **Маншук ҳақида қўшиқ** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Қизиқарли учрашувлар. 19.20 — **«Прогресс»** программаси. 19.40 — **«Ахборот».** 19.55 — Инсон ва қонун. 20.20 — Рақслар гулдастаси. 21.00— **«Ахборот».** 21.20 — Пахтани машинада теришга ҳамма нарса шайми? 21.40 — Наима Пўлатова куйлайди. 22.15 — **Очилган кўриқ** (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **Йўлдаги курашлар** (бадиий фильм, 1-серия). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — Фильм-концерт. 21.45 — Ғаллакор ҳақида қисса (ҳужжатли фильм).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/VIII да **Аяжонларим**, 11/VIII да **Келинлар кўзголони.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Қора ботинкали новча киши; Новча кишининг қайтиши — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11, 14, 17, 20).

Жаннат калити; Тоннель охиридаги нур — «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (10, 13, 16), «ДРУЖБА» (11, 14, 15, 17.15, 20.30).

Музика садолари — «ВОСТОК» (18.30, 21.15).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора ботинкали новча киши; Новча кишининг қайтиши — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50).

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи газетанинг Сирдарё область мухбири А. Умарова

қизи ҲУЛКАРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС тарихи ва умумий тарих кафедрасининг катта илмий ходими, доцент С. Ж. Жиянхўжаевга отаси

Жиянхўжа АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 14701 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 186.